



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**АХБОРОТНОМАСИ**

**№ 1–2 (38–39)**

---

**2016**

**Тошкент – 2016**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

**2016 йил № 1–2 (38–39)-сон**

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги Оммавий ахборот  
воситаси давлат рўйхатидан  
ўтказилганлиги тўғрисида  
гувоҳнома № 0838**

**1999 йилдан чиқа бошлаган**

**Муассис:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда  
ўзбек ва рус тилларида  
босилади**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ**

**Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

**Жавлон АБДУЛЛАЕВ  
Олимжон АБДУНАЗАРОВ  
Комилжон АДИЛОВ  
Отагалди БОБОЖОНОВ  
Гайрат МАШКУРОВ  
Эсон РАЖАБОВ  
Жанабай САДИКОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Темур ШИРИНОВ**

**БОШ МУҲАРРИР**

**Низомиддин НУРМАТОВ**

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100078, Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони, 6.  
www.elections.uz  
e-mail:saylov@umail.uz  
Телефон: 239-43-91

Наشريёт лицензияси АИ № 158, 14.08.2009.  
Босишга 2016 йил 17 июнда рухсат этилди.  
Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Офсет қоғози. «Times»  
гарнитурасида офсет босма усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 27,90. Нашр табоғи 18,16.  
Адади 300 нусха. Буюртма № 16-353.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-магбаа ижодий уйи.  
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**МУНДАРИЖА**

**«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун  
ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш  
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни  
(кўчирма)**

5

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-  
сиясининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатасининг қарори**

15

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-  
сиясининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенга-  
шининг қарори**

16

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**

17

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қо-  
нунчилик палатаси депутати У. Мухаммадиевнинг  
ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси-  
нинг қарори**

17

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
аъзоси Х. Чинибековнинг ваколатини муддатидан ил-  
гари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

18

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комис-  
сиясининг 2015 йилда амалга оширган ишлари юза-  
сидан ахборот тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

19

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов  
комиссиясининг 2016 йилнинг биринчи ярмига  
мўлжалланган иш режаси тўғрисида»ги Ўзбекистон  
Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори**

20

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б. Юсуповнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

21

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2015 йил мобайнида келиб тушган ариза, шикоят ва таклифлар таҳлили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

22

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

23

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати Р. Матқурбановнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

24

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси А. Усмановнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

25

«Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

26

«С. Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

27

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ф. Умаровнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

28

Сайлов тизими ривожининг янги босқичи

29

**«САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ:  
ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ»  
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ДАВРА СУЎБАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ**

33

**С. Артикова.** «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари»

33

**К. Адиллов.** «Ўзбекистонда сайловчилар ягона электрон рўйхатини тузишнинг долзарб масалалари»

39

**А. Абдуллаев.** «Сайлов кампанияларини ёритишда Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситаларининг иштироки»

44

**А. Йўлдошев.** «Фуқаролик жамияти ва сайловлар: амалий жиҳатлари»

49

**Е. Слобода.** «Сайлов кампанияси демократиклиги ва очиқлигини таъминлашда халқаро кузатувнинг ўрни ва аҳамияти»

53

**Г. Маликова.** «2014 ва 2015 йиллардаги сайлов кампанияларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти-нинг таҳлили ва Ўзбекистон сайлов қонунчилигини такомиллаштириш масалалари»

60

**А. Мамажонов.** «Сайлов жараёнида сайловчилар рўйхатининг ўрни ва аҳамияти»

64

**А. Цимдарс.** «Латвия сайловчилари электрон рўйхати қўлланилишининг амалий жиҳатлари»

67

**Ш. Хабибуллаев.** «Сайловчиларни рўйхатга олишдаги долзарб масалаларда «Электрон ҳуқумат»

74

**Ж. Қўчқоров.** «Сайлов кампаниясини молиялаштиришнинг ҳуқуқий механизмларининг янада такомиллашуви»

76

**М. Назаров.** «Сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик»

82

**Д. Файзиева.** «Сайлов тизими – хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш-да муҳим омил сифатида»

86

**Ж. Ракэн.** «Сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлашининг замонавий шакллари ва усуллари»

90

**Н. Нурматов.** «Сайловларнинг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги»

92

**Ш. Якубов.** «Сайловолди ташвиқоти механизмини ривожлантириш ва унда тенг шароит-ларни таъминлаш: Ўзбекистондаги 2014 ва 2015 йилларда ўтказилган сайлов кампанияларида сиёсий партиялар иштирокига оид тажриба асосида»

97

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

105

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

112

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (кўчирма)

*Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган,  
Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда маъқулланган*

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги 414–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 12/1, 344-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади»;

2) **10-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **11-модданинг иккинчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган ерларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **21-модданинг биринчи қисмидаги** «18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий» деган сўзлар «ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **23-модданинг:**

**биринчи қисми** «олис ва бориш қийин бўлган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисмидаги** «икки кунлик муддат ичида» деган сўзлар «йигирма тўрт соат ичида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **24<sup>2</sup>-модда бешинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «камида беш фоизининг» деган сўзлар «камида бир фоизининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади»;

8) қуйидаги мазмундаги **28<sup>1</sup> – 28<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«28<sup>1</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари**

Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни номзодни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали; сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усуллари ҳам фойдаланиши мумкин.

**28<sup>2</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-

зодларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

**28<sup>3</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали олиб бориш**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга босма, кўргазмали, аудиовизуал материалларни, фонограммаларни, босма маҳсулотнинг электрон шакллари ва бошқа ташвиқот материалларини монеликсиз чиқариш ҳамда тарқатиш учун тенг шароитлар яратиб берилади. Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот.

Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

## **28<sup>4</sup>-модда. Сайловолди ташвиқотини сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали олиб бориш**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

Сайловчилар билан учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Уларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тарихида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ёки унинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бошқа номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бошқа номзодлар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли»;

9) **28<sup>1</sup>-модда 28<sup>5</sup>-модда** деб ҳисоблансин;

10) **30-модданинг иккинчи қисми** «бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11) **31-модданинг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«31-модда. Овоз бериш тартиби»;**

**бешинчи – олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **бешинчи – ўн биринчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва



ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов varaқасини олади. Сайловчи сайлов varaқасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов varaқаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов varaқасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Сайлов varaқасининг шакли ва уни тайёрлаш тартиби, шунингдек сайлов varaқаларини сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига биноан комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади»;

**еттинчи қисми ўн иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

12) **35-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг баённомалари асосида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ва varaқаларини олган сайловчилар сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчилар сонини; ҳар бир номзод учун берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 990–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9–10, 132-модда; 2004 йил, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, №12, 637-модда; 2012 йил, №12, 331-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **6-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан бериледи»;

2) **65-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги 1050–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 9–10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2012 йил, № 12, 331-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **9-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади»;

2) **49-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади».

**17-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги 613–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг ўн биринчи хатбошисидаги** «бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, қарорлар Марказий сайлов комиссияси раиси томонидан имзоланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари улар қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда, бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим».

**29-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги 617–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 5, 86-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **6-модда:**

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партияларга, уларнинг ташкилотларига биттадан ортиқ банкда банк ҳисобварақларига, шунингдек чет эл банкларида ҳисобварақларга эга бўлиш тақиқланади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партиялар битта банкда қуйидаги талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин:

асосий ҳисобварақ – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни ўтказиш, улардан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш учун; иккита иккиламчи ҳисобварақ:

а) аъзолик бадаллари, хайриялар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан келиб тушадиган маблағларни ўтказиш ва улардан фойдаланиш учун;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан келиб тушадиган маблағларни ўтказиш ва улардан фойдаланиш учун»;

2) **10-модда:**

**иккинчи қисмидаги** «ҳисоб-китоб варақларига» деган сўзлар «банк ҳисобварақларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия томонидан молия йили мобайнида фойдаланилмаган давлат маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилмайди ва бу маблағлардан келгуси йилларда уларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун фойдаланилади».

**30-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги 704–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «парламент сўрови» деган сўзлар «сўров» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутат ўз округи сайловчилари, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар мазкур ҳаракат билан алоқа боғлаб туради ва Қонунчилик палатасида унинг манфаатларини ифода этади.

Депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради.

Сиёсий партиялар фракциялари ҳар йили Қонунчилик палатасининг Кенгаши билан биргаликда депутатларнинг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишлари учун мўлжалланган вақтни белгилайди.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида депутат:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, сиёсий партия фракциясининг фаолияти, унинг мамлакатни социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир нуқтаи назари тўғрисида сайловчиларга ахборот беради;

янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказди;

қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ҳуқуқнинг қўлланилиш самарадорлигини ва қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруратини аниқлаш мақсадида ўрганайди;

сиёсий партия фракцияси томонидан белгиланадиган бошқа вазифаларни бажарайди.

Сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олинishi мумкин»;

3) қуйидаги мазмундаги 9<sup>1</sup>, 9<sup>2</sup> ва 9<sup>3</sup>-моддалар билан тўлдирилсин:

**«9<sup>1</sup>-модда. Депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этиш**

Қонунчилик палатасининг Кенгаши депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этиш юзасидан сиёсий партиялар фракцияларининг фикрлари ва таклифларини инобатга олган ҳолда чора-тадбирлар кўради.

Депутат сайлов округига чиқишидан олдин сиёсий партия фракцияси ҳамда Қонунчилик палатаси томонидан ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминланади.

Қонунларнинг ижроси, давлат дастурларини ҳамда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан аниқ масалаларни ишлаб чиқиш учун сиёсий партиялар фракциялари зарур бўлган ҳолларда ўз депутатларининг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишларини ташкил этади.

Сиёсий партиялар фракциялари депутатларнинг сайлов округларидаги ишлари яқунларини умумлаштиради, зарур бўлган ҳолларда долзарб масалаларни Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритади.

**9<sup>2</sup>-модда. Депутатнинг сайлов округидаги ишларини ташкил этишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашиш**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари депутатни сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлайди. Ижро этувчи

ҳокимият органлари бинолар ажратилишини ташкил этади, фуқароларни депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилади, қабулларда ва учрашувларда иштирок этиш учун ўз масъул вакилларини депутатнинг таклифига кўра юборади, шунингдек депутатнинг жойлардаги ишига кўмаклашиш юзасидан бошқа чора-тадбирлар кўради.

### **9<sup>3</sup>-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Қонунчилик палатасига келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда Қонунчилик палатасида жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказиш депутатлар томонидан қонунга ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади»;

4) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

#### **«10-модда. Депутат ва сенатор сўрови**

Депутат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан, сенатор эса тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан сўров юборишга ҳақли.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат, сенатор сўровига, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Олий хўжалик суди раиси, Бош прокурори, суриштирув ва тергов органлари раҳбарлари номига йўлланган депутат, сенатор сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас».

**31-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **2-модда олтинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш»;

2) **4-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи** қисмлар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди сиёсий партиянинг ўз устави билан ваколатли бўлган орган томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар якунлари тўғрисидаги ахбороти ва сайланган депутатлар рўйхати матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан икки ҳафталик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилади»;

**иккинчи – ўнинчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи – ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**35-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 12, 14-моддалари, 15-моддаси 2-банди, 20, 25, 26 ва 33-моддалари «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 13-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 15-моддаси 1-банди, 34-моддаси 1–18, 20–25-бандлари 2016 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 16-моддаси, 21-моддаси 1-банди, 34-моддаси 19-банди 2016 йил 1 июлдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 29 декабрь,  
№ ЎРҚ–396.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №9, 176-модда; 1999 йил, №1, 27-модда, №9, 239-модда; 2001 йил, № 9–10, 194-модда; 2004 йил, №5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №3–4, 116-модда, №5, 180-модда; 2007 йил, №6, 255, 291-моддалар, №8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, №8, 314-модда; 2014 йил, №4, 92, 94, 105-моддалар, № 6, 157, 169-моддалар, №8, 216-модда; 2015 йил, №1, 15, 22-моддалар) қисман ўзгартиш киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Абдужаббор Абдусатторович Абдувахитовнинг ваколатлари берган аризасига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатасининг  
Спикери**

**Н. ИСМОИЛОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 27 октябрь,  
№ 259-III.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
ҚАРОРИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 4 декабрдаги  
СҚ-73-III-сон қарори билан тасдиқланган)*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР  
ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 27 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги 259-III-сонли Қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси Абдужаббор Абдусатторович Абдувахитовнинг ваколатлари берган аризасига биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тасдиғига киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
Раиси**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 19 ноябрь,  
№ КҚ-55-III.*



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ  
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ  
ҚАРОРЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ У. МУҲАММАДИЕВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 121-Яккабоғ сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты Улуғбек Насриддинович Муҳаммадиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайланганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколати муддатидан илгари тугатилсин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 25 май.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Х. ЧИНИБЕКОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси Хуснитдин Кучкарович Чинибеков вафот этганлиги муносабати билан унинг ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари рўйхатидан чиқарилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашига юборилсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2015 йил 31 июль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ 2015 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРГАН ИШЛАРИ  
ЮЗАСИДАН АХБОРОТ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йилда амалга оширган ишлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанкуловнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 26 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ 2016 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИГА  
МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин<sup>1</sup>.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклатилсин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 26 январь.*

---

<sup>1</sup> Қарор иловасиз чоп этилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Б. ЮСУПОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Баҳодир Турсунович Юсуповнинг халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 26 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИГА 2015 ЙИЛ МОБАЙНИДА КЕЛИБ ТУШГАН АРИЗА,  
ШИКОЯТ ВА ТАКЛИФЛАР ТАҲЛИЛИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига 2015 йил мобайнида келиб тушган ариза, шикоят ва таклифлар таҳлили тўғрисида комиссиянинг доимий асосда ишловчи аъзоси О. Абдуназаровнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибиятига жорий йилда келиб тушадиган ариза, шикоят ва таклифларнинг ўз вақтида ва белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 26 январь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ  
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ 396-СОН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 396-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи тузилсин (ишчи гуруҳи таркиби илова қилинади<sup>1</sup>).

2. Ишчи гуруҳи (К. Адилов) 2015 йил 29 декабрдаги 396-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини татбиқ этиш бўйича чора-тадбирлар комплекс режаси (№ 12/1-869 2016 й. 3 февраль) ижросини белгиланган муддатларда таъминласин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси зиммасига юклатилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 3 февраль.*

---

<sup>1</sup> Қарор иловасиз чоп этилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ Р. МАТКУРБАНОВНИНГ  
ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 6-Чимбой сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты Рашид Жолдасбаевич Матқурбановнинг ваколати берган аризасига биноан муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 3 февраль.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ  
СЕНАТИ АЪЗОСИ А. УСМАНОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ  
МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ахмад Тугилович Усмановнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати ваколоти тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколоти муддатида илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 4 февраль.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОСИ САЙЛОВИНИ  
ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлиси 2016 йил 26 март куни соат 10.00 да Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Кимёгарлар маданият саройи биносида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 16 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**С. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ  
РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-га сайлов тўғрисида»ги Қонуни 58, 61-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2016 йил 26 март куни ўтказилган кўшма мажлиси баённомасига асосан Содиқ Сабитович Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 28 март.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
Қ А Р О Р И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ  
АЪЗОСИ Ф. УМАРОВНИНГ ВАКОЛАТИНИ МУДДАТИДАН  
ИЛГАРИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5, 9-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фахритдин Саматович Умаровнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколати муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 28 март.*

## **САЙЛОВ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

**Тошкентда «Сайлов тизими ва қонунчилигини демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзuida халқаро дав-  
ра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбир Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати хорижий мамлакатлар ҳамда Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар билан таништириш мақсадида ўтказилди.

Унда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, шунингдек, Франция, Германия, Корея Республикаси, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотажорат ташкилотлари вакиллари, олимлар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов тадбирни очар экан, мустақиллик йилларида юртимизда сиёсий, давлат ҳамда ҳуқуқий тизим изчиллик билан босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилмоқда. Бунда Асосий Қонунимиз ҳамда қонунларда умумэтироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Давра суҳбатида эркин сайлов ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳамда сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тизимли, изчил ва ўзаро боғлиқ хусусиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш

ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очик ҳамда ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан биридир. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, фаолиятининг асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ўзгаришлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар якунлари давлат ҳокимияти органларини шакллантириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ҳамда кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, партиялараро рақобат, фуқароларнинг давлат ҳамда жамият ишларида иштирокини кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Хусусан, сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича хорижий ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш масаласи муҳокама қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёнининг барча иштирокчиси томонидан сайлов қонунчилиги талабларининг қатъий бажарилиши, уни бир хилда қўллаш ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очик ҳамда ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни хабардор қилишнинг асосий канали, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Бўлиб ўтган парламент ва Президент сайлови давомида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги ривожланиб, янада мустаҳкамланиб бораётгани яққол намён бўлди.

Давра суҳбати очик ҳамда амалий мулоқот шаклида, баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясида белгиланган вазифалар инobatга олинган ҳолда, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида яқдил фикр билдирди.

### **Сўз – халқаро давра суҳбати иштирокчиларига**

#### **Д. Сабо, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:**

– Сайлов ҳар бир давлатнинг ҳаётида муҳим сиёсий тадбир саналади. Ўзбекистон сайловлар каби жиддий тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказа оладиган мамлакат ҳисобланади. Бунга юртингизнинг ушбу соҳада тўплаган тажрибаси ва сайлов тизимини мустаҳкамлаш бўйича ҳуқуқий асослар ривожини хизмат қилмоқда.

Мазкур давра суҳбати амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, асосий вазифаларни белгилаб олиш имконини берди. Биз Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни амалга ошираяпмиз. Мисол учун, ҳозирги вақтда Буюк Британия ва Данияга ташриф буюрган Ўзбекистон делегацияси Европанинг ушбу мамлакатлари тажрибасини, чунончи, сайловчиларнинг марказлаштирилган электрон рўйхатини жорий этишни ўрганишяпти. Ҳозирги шиддаткор давримизда одамлар ўз яшаш жойини эркин ҳамда тез-тез ўзгартириши учун бирон бир шаҳар ёки мамлакатга боришини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир фуқарога сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятини тақдим қилиш зарурдир.

#### **А. Цимдарс, Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси:**

– Мен Ўзбекистонда Президент сайловида кузатувчи сифатида иштирок этганман. Айтишим жоизки, сайловлар пухта ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Сайлов участкалари бутун сайлов жараёнига оид муфассал ишлаб чиқилган ҳужжатлар билан таъминланган эди. Қонунчиликка риоя этиш сайлов пайтидаги энг муҳим масаладир. Унга амал қилмаслик фуқароларнинг сайлов қонунчилигига бўлган ишончи сусайишига сабаб бўлади.

Латвия тажрибасидан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестри жорий этилиши, шубҳасиз, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади, бутун сайлов жараёни очиклиги ва ошқоралиги принципини таъминлайди, сайлов комиссиялари ҳамда маҳаллий органлар фаолиятини соддалаштиради, сайловчилар ҳақида аниқ маълумотларни тузиш имконини яратади, икки марта овоз бериш ҳолатларининг олдини олади, «Бир сайловчи – бир овоз» тамойилининг амалда

рўёбини таъминлайди. Энг муҳими, у айнан сайловчиларнинг масъулиятини оширади, улар томонидан бўлиши мумкин бўлган шикоятлар сонини камайтиради, чунки сайловчилар рўйхатидаги маълумотлар тўғрилиги учун масъулият сайловчилар зиммасида ҳам бўлади.

***Ж. Ракэн, Тулуза шахри молия судининг фахрий вице-президенти:***

– Ўтказилган тадбир сайлов тизими ривожини учун катта аҳамиятга эга. Бу ерда турли мамлакатлардан манфаатдор экспертлар йиғилди. Ўзбекистон юксак демократик ривожланиш даражасига эришди. Ўзбекистондан ўрганишимиз керак бўлган жиҳатлар бор.

Мен Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, у пухта ўйланган ва тўлақонли экан, деган фикрга келдим. Унда фуқаролар ҳуқуқларига тааллуқли барча масалага эътибор қаратилган. Бу жамиятда юксак демократик қадриятлар шаклланишидан далолатдир. Менинг фикримча, сайлов тўғрисидаги қонунларнинг яхлит Сайлов кодекси кўринишида кодификация қилиниши навбатдаги мантиқий қадам бўлади. Бу барча даражада сайловларни ўтказишнинг асосий қоидалари ҳамда умумий тартибини мустаҳкамлаш имконини беради.

***Ким Юн Так, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича менежери:***

– Ўзбекистонда сайловларнинг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасида адолатли сайлов тизими яратилган. Бўлиб ўтган парламент ва Президент сайловлари унинг демократияга мувофиқлигини кўрсатди. Ахборот технологиялари ушбу жараёни янада такомиллаштириш имконини яратади. Хусусан, Корея Республикасида сайловчиларни электрон рўйхатдан ўтказиш тизими жорий қилинган ва у муваффақиятли ишламоқда. Уларнинг барчаси электрон базада идентификация қилинган ҳамда ҳисобга олинган. Давра суҳбатида тизимимиз ҳақида тақдимот ўтказдим ва унинг самарадорлиги хусусида гапириб бердим. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни, сайловларнинг шаффоф ҳамда демократик руҳда ўтишини таъминлайди.

***Зиёда АШУРОВА,***  
***«Халқ сўзи» газетаси муҳбири***



**«САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ХОРИЖИЙ  
МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДАГИ  
ХАЛҚАРО ДАВРА СУЎБАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ  
(Тошкент шаҳри, 2015 йил 23–24 ноябрь)**

**С. АРТИКОВА,**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
раисининг ўринбосари*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистонда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм ва сайлов тизими ривожланиши учун ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов томонидан 2010 йилда илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилди. Ушбу Концепцияга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Истиклол йиллари мобайнида Конституция меъёрларига асосан бевосита сайлов жараёнларини тартибга солишга қаратилган ўндан ортиқ махсус қонунлар қабул қилинди. Хусусан, сайлов билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг қатор низом ва йўриқномалари билан тартибга солинади.

Мамлакатимизда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли ва изчил амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган демократик ислохотлар, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувида иштирокини янада кенгайтириш, шунингдек аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, унинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларни ҳисобга олган ҳолда 2003, 2008, 2012 ва 2014 йилларда сайлов тўғрисидаги қонунларга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**2008 йилда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов тизимини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.**

Депутатлик ўринлари 120 тадан 150 тагача кўпайтирилиб, уларнинг 135 тасига депутатлар сиёсий партиялардан сайланади. Атроф муҳитни муҳофаза

қилиш муҳимлиги ва тобора ошиб бораётган долзарблигидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатасида 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилди. Таъкидлаш жоизки, Экологик ҳаракатига депутатлик ўринлари квоталаш ўша даврдаги депутатлик ўринлари ҳисобига эмас ва уларга зарар етказмаган ҳолда амалга оширилган. Аксинча, депутатлик ўринлари 15 тага кўпайтирилди. Бундан ташқари, яна 15 та депутатлик ўрни кўшимча равишда Экологик ҳаракатига яратилди.

Қонунчиликка сайлов жараёнини янада либераллаштиришни таъминлайдиган нормалар киритилди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишларига рўйхатга олиш учун белгиланган олти ойлик муддат тўрт ойгача қисқартирилди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш масаласини ҳал қилиш учун сайловчиларнинг зарур имзолари сони 50 000 дан 40 000 гача қисқартирилди. Депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сони 5 тадан 10 тагача кўпайтирилди. Янги институт – сиёсий партиянинг ваколатли вакили жорий этилиб, унга имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда ва сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Таъкидлаш жоизки, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш кучли фуқаролик жамияти шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу эса эркин ва тенг ҳуқуқли сайловлар натижасида жамиятдаги асосий сиёсий кучлар манфаатларини ифода этади.

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган асосий ғояларни татбиқ этиш доирасида сайлов қонунчилигининг ривожланиши.**

2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти даврида тенг шарт-шароитлар таъминлаш механизмлари самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди. Хусусан, сайловолди ташвиқоти шакллари ва усуллари, уни ўтказиш муддатлари белгиланди, ушбу тушунчага аниқ таъриф берилди. Шунингдек, сайловолди ташвиқоти – бу сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга қаратилган фаолиятдир. Қонунчилик даражасида белгилаб қўйилганидек, сайловолди ташвиқотига сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида йўл қўйилмайди. Бундай меъёр сайловчиларга ўз қарашлари ва сиёсий нуктаи назарларини белгилаш учун зарур кўшимча вақт беришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, сайлов тўғрисидаги қонунларга яна бир норма киритилди. Унга кўра, овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тах-

минларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Бундай норманинг киритилиши сайловчиларнинг ҳуқуқларини янада самаралироқ ҳимоя қилишга, у ёки бу номзодга нисбатан олдиндан била туриб бошқача муносабатда бўлишни истисно қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича конференциясида кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқи қонунан мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва тартиботи аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз бериш институтининг мавжудлиги миллий сайлов тизимимиз сайлаш ҳуқуқини тўлалигича таъминлаётганидан ва сайловчиларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратганидан далолат бериб турибди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига киритилган нормага мувофиқ қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари тузилиши мумкин. Қамоқда сақлаш жойларида сақланаётган шахсларнинг овоз бериши қоидалари ва тартиботини кенгроқ тушунтириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузиш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Қамоқда сақланаётган шахсларга овоз бериш имкони берилиши фуқаролар сайлов ҳуқуқлари таъминланаётганлигининг яна бир қафолатидир. Бу айбсизлик презумпциясига риоя қилишдан дарак беради. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг жиноят содир этганликдаги айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланмагунга қадар у айбсиз ҳисобланади. Ушбу омил Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланишининг, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият эканлигининг яна бир қафолатидир.

**2013 йилда** «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунга партия гуруҳларининг маҳаллий Кенгашлардаги ваколатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги нормаларга мувофиқ партия гуруҳлари тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислари ва аъзолари номзодлари бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, партия гуруҳлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ

депутатлари Кенгашларининг сессияларида тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ҳисоботини эшитиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Бундай чоралар ҳам партиялараро рақобат кучайишига хизмат қилади. Бу мамлакатимизда юз бераётган сайлов жараёнларида ўз ифодасини топмоқда.

**2014 йилда Конституцияга киритилган янги қоидалар асосида сайлов қонунчилигининг такомиллашуви.**

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонунда назарда тутилган конституциявий тузатишларни татбиқ этиш самарали қонунчилик механизмларини яратиш бўйича амалга оширилаётган комплекс чоралар доирасида 2014 йилда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган V<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди. Мазкур бобнинг алоҳида моддасида Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, уларнинг қарорларини ижро этмаслик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари, янги моддаларда номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партиянинг ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик, шунингдек сайловолди ташвиқоти, референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, қонун номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотлар тарқатиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ахборот ва ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш, жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижаларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузганлик каби ҳуқуқбузарликлар учун ҳам жавобгарлик белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146- ва 147-моддаларида сайлов ва референдум ташкил қилиш, ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, шунингдек сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Сайлов ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги маъмурий ва жиноят ишларининг суд муҳокамаси доирасида фуқаролар сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганлик устидан шикоят қилиш ва бу учун жавобгарлик каби халқаро ҳуқуқ нормаларига Ўзбекистон амал қилишининг яна бир кўрсаткичидир.

Сайловларнинг ва сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар сайлов кампаниясининг давлат томонидан молиялаштирилиши сайлов ҳуқуқининг умумэъ-

тироф этилган халқаро принципларига риоя этилаётганлиги ва улар таъминланаётганлигининг яна бир кафолатидир. Шу муносабат билан конституциявий нормаларга амал қилган ҳолда Бюджет кодексига қўшимчалар киритилди. Уларга кўра, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича харажатлари, шу жумладан округ ва участка сайлов комиссияларининг, сиёсий партияларнинг молиялаштирилиши республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетида алоҳида сатрда назарда тутилган.

Конституциямизнинг 117-моддасига киритилган янги нормаларга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилди. Хусусан, Марказий сайлов комиссиясининг фаолият принциплари изохлаб берилди, шунингдек Комиссия аъзоларига нисбатан талаблар белгиланди. Йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, 2014 йилги тузатишларга мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, «Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошкора амалга оширади. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ўтказилади. Марказий сайлов комиссияси мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин». Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши қонунан мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман олганда, сайлов қонунчилигининг босқичма-босқич такомиллаштирилиши ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислохотлар билан ўзаро боғлиқ равишда миллий сайлов тизимининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди.

Шу билан бирга демократик янгиланишларнинг таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизими доимий асосда ривожланиб келмоқда. 2014 ва 2015 йиллар Ўзбекистон учун алоҳида давр ҳисобланади. Қонунчиликка асосан 2014 йил 21 декабрь куни ва 2015 йил 29 март куни парламент ва президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили натижалари кўрсатганидек, сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида ҳам ижобий ютуқлар, ҳам айрим камчиликлар борлиги аниқланди. Бу табиийдир. Мазкур тажриба асосида сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича

таклифлар ишлаб чиқилди ва ҳозирги вақтда сизларнинг муҳокамангизга тақдим этилмоқда.

Бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларидан кейин сайлов қонунчилигида ўзгартирилиши ва қўшимча киритилиши талаб қилинган нормалар мавжудлигини ўрганиш учун Марказий сайлов комиссиясида амалиётчи экспертлар, илмий ҳамжамият, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқа ходимлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳининг фаолияти натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда халқаро тажриба ва ижобий миллий амалиётга мувофиқ сайлов соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

- сайловчилар ягона электрон рўйхатини яратиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга соладиган нормаларни «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларга мувофиқлаштириш. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзолар сонини 5% дан 1% гача пасайтириш таклиф этилмоқда. Бу халқаро стандартларга, хусусан, Венеция комиссиясининг сайлов масалаларига тегишли амалиёт кодексига тўла мувофиқ келади;
- сайловолди ташвиқотига оид атамаларнинг бир хил талқинини таъминлаш;
- сайловчиларга онгли равишда қарор қабул қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш имконини назарда тутиш;
- қамоқда сақлаш жойларида ҳам овоз бериш ўтказилишини назарда тутиш;
- муддатидан олдин овоз бериш жараёнини кўзда тутиш;
- ижобий амалиётни сайлов қонунчилиги нормаларида мустаҳкамлаб қўйиш.

Ўйлайманки, бугунги давра суҳбати сайлов қонунчилигимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

**Комилжон АДИЛОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссияси раисининг ўринбосари*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВЧИЛАР ЯГОНА ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИНИ ТУЗИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Сайлов – кучли фуқаролик жамияти бўлган ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас белгиси ва халқ хоҳиш-иродасини билдиришнинг асосий шаклидир. Бунда фуқаролар сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида бевосита иштирок этиш йўли билан ўз ҳуқуқини амалга оширадилар.

Истиқлол йилларида демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга жавоб берадиган, фуқароларнинг эркин хоҳиш-иродасини билдириш кафолатларини, ҳар бир кишини давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган мустақил сайлов тизими яратилди. Сайлов комиссиялари очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида қонун талабларига тўла мувофиқ равишда сайлов ташкил этиш ва ўтказишни таъминлайди. Улар фақат қонунга бўйсунди. Сайлов комиссияларининг фаолиятига ҳар қандай аралашига уринишлар тақиқланади.

Маълумки, адолатли ва ҳаққоний сайлов ўтказиш демократик давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш вақт талабидир. Мамлакатимизда сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб масалаларидан бири бу сайловчилар ягона электрон базасини яратишдир. Ушбу масаланинг ҳал қилиниши сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнининг шаффофлиги ва очиқлиги принципларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, шунингдек «бир сайловчи – бир овоз» тамойилига сўзсиз риоя қилишни таъминлайди.

Сайловчилар рўйхатини тузишни, уни шакллантириш, янгилаш жараёнини, унга ўзгартишлар киритиш тартибини, у билан сайловчиларни таништиришни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан фуқароларни рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳи сайловчилар ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан фойдаланишда хорижий мамлакатлар, яъни Буюк Британия, Дания, Франция, Испания, Австралия, Финляндия, Латвия, Эстония, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг тажрибасини ўрганди, шунингдек тегишли вазирлик ва идораларнинг бу борада амалга ошираётган ишларини таҳлил қилди.

Масалан, Данияда сайловчиларнинг рўйхати аҳолининг марказий регистрида мавжуд маълумотлар асосида тузилади. «Фолькетингга сайлов тўғрисида»ги

Қонунга мувофиқ, фақат аҳолининг регистрида кўрсатилган коммуна рўйхатига киритилган фуқароларнинг овоз беришига йўл қўйилади.

Дания Қироллиги Ижтимоий масалалар ва ички ишлар вазирлиги сайловчилар ягона электрон рўйхатини юритиш учун масъул идора ҳисобланади. Аҳоли регистри доимий равишда янгиланиб туради ва у фуқароларнинг мурожаат қилишини назарда тутмайди ҳамда маълумотлар марказий базаси ҳисобланади. Унга фуқаролар тўғрисида ахборот тегишли бошқарув органлари, шу жумладан муниципал органлар томонидан киритилади. Улар фуқароларни рўйхатга олиш электрон тизимидан тўғридан-тўғри фойдаланиши мумкин. Ушбу тизим ваколатли шахс маълумотларни унга киритганда автоматик тарзда ахборотни янгилайди.

Даниянинг чет элдаги фуқаролари регистрга киритилиши учун ўзлари мустақил равишда ташаббус кўрсатишлари ва хорижга чиққунга қадар ўз яшаш жойлари бўйича муниципалитетга сўровнома юборишлари лозим.

Сайловга бир ҳафта қолганида сайловга таклифномалар тарқатилади. Улар сайловчиларга сайлов кунига қадар 5 кундан кечиктирмасдан етказилиши зарур. Уларда сайловчининг исми, манзили, сайловчилар регистридаги рақами, сайлов участкаси жойлашган ери, овоз бериш санаси ва вақти тўғрисидаги ахборот акс этиши лозим.

Буюк Британияда сайловчиларни рўйхатга олишнинг барча масалалари Сайловчиларни рўйхатга олиш бўйича бюро ваколатига тааллуқлидир. Бундай бюрлар ҳар бир сайлов округида Кенгашлар томонидан таъсис этилади. Округларда рўйхатга олиш учун масъул – маҳаллий маъмуриятнинг мансабдор шахсидир. У сайлов бўйича ваколатли вакилнинг ўринбосари ҳисобланади.

Сайловчиларни рўйхатга олиш ҳар йили рўйхатга олиш учун масъул шахс томонидан уй эгалари тақдим этадиган маълумотлар асосида сайлов участкаси бўйича алоҳида сайловчилар рўйхатини тузиш йўли билан амалга оширилади.

Рўйхат овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ва мазкур округ ҳудудида доимий яшайдиган барча шахслардан иборат.

Сайловчиларни рўйхатга олиш учун масъул шахс шахсий турар уйларга ва кўп хонадонли уйлар маъмуриятига бир хил намунадаги бланклар юборди ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган, доимий равишда яшайдиган шахслар тўғрисида ахборот беришни илтимос қилади ёки уларнинг олдига шахсан ўзи боради. Барча сайловчиларга шахсий рақам берилади.

Буюк Британияда 2001 йил 16 февралдан сайловчиларни рўйхатга олиш янги тизими жорий этилди. Унга кўра доимий равишда янгиланиб турадиган реестр таъсис этилди. Мазкур тизим «Сиёсий партиялар ва сайлов тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Ушбу Қонунга мувофиқ реестрга ўзгартишлар ҳар ойда киритилади (сентябрь, октябрь ва ноябрь ойлари бундан мустасно).

Шундай қилиб, сайловчилар у ёки бошқа сабабга кўра ўз яшаш манзилини ўзгартиришга қарор қилган бўлса, исталган вақтда сайловчиларни рўйхатга



олиш бюросига тегишли ариза билан мурожаат қилишга ҳақли ва зарур ўзгартишлар кейинги ойнинг биринчи числосидан киритилади. Янги тизим бўйича реестрга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига фақат сайловчилар эга. Уй эгаларига нисбатан аввалги йиллик ҳисобдорлик тартиби сақлаб қолинган.

Испанияда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида ва назоратида амал қиладиган Сайлов цензи бўйича бошқарма сайловчилар ягона электрон рўйхатини юритиш учун масъул ҳисобланади. Фаол сайлов қобилиятига эга бўлган барча шахсларни рўйхатга киритиш икки рўйхатни фарқлаш воситасида амалга оширилади: биттаси – Испания ҳудудида яшайдиган шахслар учун ва иккинчиси, чет элдаги фуқаролар учун. Бир шахс икки ва ундан ортиқ рўйхатга киритилган тақдирда унинг сўнгги рўйхатга киритилганлигига афзаллик берилади. Сайлов санаси эълон қилинганидан кейин манфаатдор шахслар рўйхатга киритилганлиги ёки ундан чиқарилганлиги бўйича Сайлов цензи бўйича бошқармага мурожаат қила олиши учун сайловчилар рўйхати ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилиши зарур.

Францияда сайловчилар ягона электрон рўйхати аҳолининг ягона реестри асосида тузилади. Аҳолини ҳисобга олиш Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар давлат институти томонидан амалга оширилади. Институт ҳисобга олиш автоматлаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахслар миллий идентификацион рўйхати юритилишини таъминлайди. Мазкур тизим 1891 йилда туғилган фуқаролардан бошлаб маълумотлар сақланишини таъминлайди. Метрополиялар департаментлари ва дарё ортидаги департаментлар (Француз Гвианаси ва б.) ҳудудида туғилган фуқаролар, шунингдек Франция фуқароларининг хорижда туғилган болалари ҳисобга олиниши лозим. Маълумотлар Институтнинг минтақавий бўлимларига фуқаролик ҳолати ҳужжатларини рўйхатга оладиган органлар ва миграция хизмати томонидан берилади.

Финляндияда сайловчилар ягона электрон рўйхати аҳолининг ягона регистри асосида тузилади. Аҳолини ҳисобга олиш Аҳолини рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади. Марказ Ички ишлар вазирлигининг мустақил бўлинмаси ҳисобланади ва 37 та минтақавий идорадан иборат. Ушбу идоралар жойларда маълумот тўплаш ва аҳолининг марказий регистрини янгилаш учун масъулдир. Шунингдек, Марказ сайловчиларни рўйхатга олиш тизими шаклланиши ва амал қилиши учун ҳам жавоб беради.

Аҳоли регистрига киритилган фуқаролар рўйхатга олиш органини ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши шарт. Яшаш манзили тўғрисидаги ўзгаришлар автоматик равишда тегишли давлат органлари эътиборига етказилади. Сайлов санаси эълон қилинганидан кейин сайловчиларга почта орқали овоз бериш санаси ва жойи ҳақидаги ахборот билан хатлар юборилади.

Австралияда сайловчилар реестри Австралия сайлов комиссияси томонидан бошқарилади. Ҳар бир штатда ўз сайлов комиссиялари фаолият

кўрсатади. Лекин умуммиллий ва маҳаллий сайловлар учун сайловчиларни рўйхатга олиш фақат Австралия сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Австралияда ҳар бир фуқаро 18 ёшга тўлиши билан ўзи сайловчи сифатида рўйхатдан ўтиши ва ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиб туриши лозим. Бундан ташқари, Комиссия уйма-уй юриб ва почта хабарномалари орқали сайловчилар реестрини мунтазам равишда текшириб туради.

Жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, сайлов тизимини такомиллаштиришда мамлакат сайловчиларини биометрик ҳисобга олиш тизими кўпроқ афзалликларга эга.

2011 йилда мамлакатимизда фуқароликни ва эгаларининг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат – халқаро намунадаги биометрик паспортлар расмийлаштирилиши ва берилиши бошланди. Ушбу ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июнь «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2011 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари асосида амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда «Электрон ҳукумат»ни шакллантириш бўйича ишлар амалга ошириляётганлиги, тегишли қонун парламент қуйи палатаси томонидан муҳокама қилиниб, қабул қилинганлиги ва ҳозирги вақтда парламент юқори палатасида муҳокама этиляётганлиги сайловчилар ягона электрон рўйхатини яратишни енгиллаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 27 июндаги Қарорига мувофиқ, мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг маълумотлар базасини шакллантириш жараёни давом этмоқда.

Бу мамлакатимиз сайловчилари ягона электрон рўйхатини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, бу сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда мамлакатимиз сайловчилари умумий сонини, шу жумладан маъмурий-худудий бирликлар кесимида, шунингдек хориждагиларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш имконини беради, турли даражадаги сайловларда сайлов округи бўйича сайловчилар нормасини белгилаш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Сайлов участкаларини тузишда хориждаги, ҳарбий хизматдаги, дам олиш уйлари, санаторийлар, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларидаги, шунингдек қамоқда сақлаш жойларидаги сайловчилар ҳақида тезкорлик билан маълумотлар олиш имкониятлари яратилади.

Сайловчилар рўйхатини тузиш ва ундан фойдаланиш ошкоралиги ва шаффофлиги, рўйхатнинг холислиги, ишончлилиги ва аниқлиги, шунингдек

сайловчилар рўйхати, сайлов округлари ва сайловчи овоз берадиган сайлов участкаси билан танишиш таъминланади. Бунинг учун Интернет ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти имкониятларидан фойдаланилади. Бу нафақат сайловчилар рўйхати билан танишиш имконини беради, балки зарурат бўлганда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таъминлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда сайловчилар ягона электрон рўйхатини тузишда хорижий тажрибани ўрганиш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда.

*Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ,  
Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот  
агентликларини қўллаб-қувватлаш ва  
ривожлантириш жамоат фонди директори*

## **САЙЛОВ КАМПАНИЯЛАРИНИ ЁРИТИШДА ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ**

Авваламбор таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг сайловчиларга таъсири, уларнинг электорал истаклари ҳамда сайлов институтига муносабатини шакллантиришдаги аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. ОАВ жамиятда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, очиқ ва эркин сайлов ўтказишда, бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, хоҳиш-иродасини билдириш орқали конституциявий ҳуқуқларини, сайлов комиссиялари фаолиятининг, бутун сайлов ва ташвиқот кампаниясининг шаффофлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Умуман, Ўзбекистон тажрибаси ва жаҳон амалиёти кўрсатганидек, сайловчиларга таъсир кўрсатиш бўйича матбуотдаги чиқишлар биринчи ўринда туради. Медиа соҳа экспертларининг фикрича, номзод ҳақида бирон-бир материал билан газетада танишишга интилиш деярли ҳамма сайловчиларни таърифлайди, умуман овоз беришга бормасликка қарор қилганлар бундан мустаснодир. Шундай қилиб, сайлов кампанияси бўйича ахборот манбалари орасида матбуот етакчи ўринни эгаллайди.

Иккинчи ўринда муҳимлиги даражаси бўйича хабардор қилиш манбаи сифатида телевидение туради. Бунда телекўрсатув, теледебат ва телерепортажларга сайловчилар томонидан кўпроқ эътибор берилади.

Экспертлар таъкидлаганидек, телевидениенинг омма онгига таъсири иштирок этиш самараси деб аталмиш жиҳат билан изоҳланади. Телетомошабин экранда кўргани у ҳақиқатан кўрган деб қабул қилинади. У ўзини оддий томошабин эмас, балки экрандаги воқеаларнинг қатнашчиси деб ҳис қилади.

Телевидениенинг хусусияти сиёсатни шахслаштириш жараёни билан таърифланади. У номзоднинг характери, қобилиятлари, ташқи кўриниши белгиларини кўп маротаба кучайтириб, шу орқали сайловчининг эътиборини жалб қилади ва айни вақтда унинг партиёга мансублиги аҳамиятини пасайтиради. Телевидение имидж яратиш учун чексиз имкониятларга эга.

ОАВдан сайлов кампаниясида фойдаланиш турли шаклларда намоён бўлади. Уларни ҳам субъектлар бўйича, ҳам мазмун бўйича таснифлаш мумкин. Субъектларга келсак, уларга қуйидагилар киради:

- сайлов комиссиялари;

- маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари;
- номзодлар, сайлов бирлашмалари ва ҳ.к.

ОАВдан фойдаланиш шакллари орасида қуйидагилар ажратилади:

- ахборотлаштириш (эълон қилиш ва хабардор қилиш);
- ташвиқот учун босма майдонлари ва эфир ажратиш.

Сайлов жараёнида ОАВдан фойдаланиш самарадорлиги, бир томондан, ҳуқуқ доирасида сиёсий технологиялардан фойдаланиш қобилияти билан, бошқа томондан – ОАВнинг сайловчиларга таъсир этиш имконияти салоҳияти билан белгиланади.

Бу, ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларига катта масъулият юклайди. Чунки сайловларнинг ахборот таъминоти, уларнинг умумэътироф этилган очиклик ва ошқоралик, адолат ва ҳисобдорлик каби демократик тамойиллар асосида ўтказилиши кўп жиҳатдан ОАВга боғлиқ.

ОАВнинг сайлов жараёнида иштирок этиши журналистлардан ҳам юксак масъулият ва профессионаллиқни талаб этади. Улар зиммасига сайлов кампанияси тўғрисидаги ахборотни сайловчиларга холисона ва тезкор етказиш учун алоҳида масъулият юклайди. Зеро, журналистлар жуда муҳим ижтимоий вазифани бажаради – улар фуқароларнинг сайлов жараёни, унда иштирок этувчи номзодлар ва сиёсий партиялар, уларнинг дастурлари ҳақида ҳар томонлама тўлиқ ва мукамал ахборот олиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашади.

Шу маънода таъкидлаш жоизки, миллий сайлов қонунчилигида энг муҳим демократик тамойил мустаҳкамлаб қўйилган: **барча номзодлар ва сиёсий партияларга, сайлов жараёни иштирокчиларига ОАВдан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратишни таъминлаш.**

Мамлакатимиз парламенти, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонунчилигига мувофиқ ОАВ сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини, сайлов кампаниясининг барча босқичларини ёритиб боради. Қонунчиликда сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи), босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали самарали ва амалий ташкил қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Бунда сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак. Сайловолди ташвиқоти мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

2014–2015 йилларда бўлиб ўтган сайловлар барча босқичларида сайлов жараёнининг шаффофлик, ошкоралик ва очиқликни, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бориши ҳақида жамоатчиликни ОАВ орқали ҳолисона ва ўз вақтида хабардор қилишни таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда «Жаҳон» ахборот агентлиги билан тегишли битимларни имзолади.

Битимлар доирасида аҳоли ўртасида миллий сайлов қонунчилигини тушунтириш бўйича самарали ишларни ташкил қилишга, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти олиб бориш учун тенг шароитлар яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2014 йилги ҳокимият вакиллик органларига сайловда Марказий сайлов комиссияси томонидан номзодлар ва сиёсий партиялар вакилларининг прайм-вақтда «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» теле- ва радиоканалида чиқиш жадвали тасдиқланди. Ҳар бир партияга бир хил, тенг эфир вақти: ҳар ҳафтада теле- ва радиоэфирда 238 дақиқадан, ва партия етакчиларига 5 дақиқадан ажратилди. Партияларнинг теле- ва радиороликлари эфирга ягона беш дақиқалик ва икки дақиқалик блоклари билан узатилди.

Маҳаллий теле- ва радиоканалларда партия роликлари бир блок тарзида икки маротаба трансляция қилинди, 5 дақиқа сиёсий партиялар вилоят органлари етакчилари ва маҳаллий Кенгашлар номзодлари чиқишларига, 15 дақиқа – партия фаоллари, депутатликка номзодлар иштирокидаги кўрсатувлар учун берилди. Жами ҳар ҳафтада сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодлар мамлакатимиз барча ҳудудларида маҳаллий теле- ва радиоканалларнинг 900 дақиқадан зиёд эфир вақтидан фойдаланди.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» республика газеталарининг ҳар бир сонидан сайловолди ташвиқоти материаллари эълон қилиб борилди. Бунинг учун газеталарнинг иккинчи саҳифаси текин ажратилди. Сайловчилар овозлари учун кураш сиёсий партиялар томонидан ўз матбуот нашрлари саҳифаларида ҳам тўлақонли амалга оширилди.

Шу каби сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароитлар таъминлаш мақсадида Президентликка номзодларнинг ўз келгуси фаолияти дастур-

лари билан чиқишлари учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» каналларида 900 дақиқадан эфир вақти ҳамда «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 10 саҳифадан бир хил босма майдони ажратилди.

Бундан ташқари, округ сайлов комиссияларининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун ҳудудий теле- ва радиоканалларда 180 дақиқадан эфир вақти ва ҳудудий даврий нашрларнинг 5 саҳифадан босма майдони ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу битимлар очиклик ва ошкоралик, сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурлари билан ҳар томонлама таништириш, овоз бериш куни англаган ҳолда қарор қабул қилиш муҳотида бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларга эркин иштирок этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилди.

**Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақил оммавий ахборот воситалари муҳим фуқаролик институтларидан бири сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиб бормоқда. Хусусан, сайлов жараёнини холисона ёритишда нодавлат ОАВ, интернет-таҳлил нашрлари фаоллик намоён қилмоқда.**

Масалан, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ОАВ сони 3,6 маротаба кўпайди ва ҳозирги кунда 1 400 тани ташкил қилади. Уларнинг қарийб 60 фоизи, телерадиоканалларнинг 67 фоизи ва интернет нашрларининг 95 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Бу эса фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омилдир.

Бу сўзсиз миллий ахборот маконини тубдан ўзгартириш ва бойитиш, аҳолининг турли ахборотга нисбатан бўлган эҳтиёжларини қондириш, сайлов очиклиги ва ошкоралигини таъминлаш ишларида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизнинг 550 дан ортиқ ва 120 дан зиёд хорижий ОАВнинг, шу жумладан 180 та интернет нашрларининг фаолияти 2014 йилги сайлов жараёни ошкоралиги, очиклигига хизмат қилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жами 9 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Президент сайловини 600 дан зиёд миллий ва 180 дан ортиқ ОАВ, шу жумладан миллий ва хорижий интернет нашрлари ёритиб борди. Хорижий ва миллий ОАВда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид 12 750 дан ортиқ мақолалар ва ахборот материаллари, теле- ва радиокўрсатувлари эълон қилинди ва эфирга узатилди.

Энг асосийси, мамлакатимиз қонунчилигига қатъий мувофиқ равишда нодавлат ОАВ Президентликка номзодларга, уларнинг ишончли вакилларига, сиёсий партияларга сайлов жараёни барча иштирокчилари учун тенглик ва

бир хиллик тамойиллари асосида эфир вақти, босма майдони ажратди. Бунда асосий эътибор қуйидаги талабларга қаратилди:

оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, номзодлар, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак;

телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди тадбирлари ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда номзодлар, сиёсий партиялар учун ажратиладиган эфир вақти ва босма майдони ҳажми тенг бўлиши керак;

сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган номзодлар, сиёсий партияларнинг розилигисиз таҳрир қилиниши мумкин эмас;

сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир номзодга, унинг ишончли вакилларига, сиёсий партияга нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас.

Нодавлат ОАВ фаолияти мониторинги натижалари демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан ривожланаётган мамлакатимиз учун улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳокимият вакиллик органларига сайловда ҳамда Президент сайловида барча демократик талабларга риоя этилганлигини таъкидлаш имконини беради.

Шунингдек, ЕХХТ ДИИХБ, МДХ, ШХТ, БСОА ва ИХТ ҳамда 50 дан ортиқ давлатдан ҳокимият вакиллик органларига сайловда ҳамда Президент сайловида иштирок этган қарийб 640 нафар кузатувчиларнинг ва сиёсий партияларнинг 105 мингдан ортиқ кузатувчилари ва ваколатли вакилларининг ҳисоботлари бундан дарак беради.

Умуман олганда, бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксак даражасини ва сиёсий фаоллигини намоён қилди. Улар овоз беришда иштирок этгани билан мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар курсини яна бир қарра қўллаб-қувватладилар. Муҳими, ушбу жараёнда нодавлат ОАВ ва ахборот агентликлари фаол қатнашди.



*Азизжон ЙЎЛДОШЕВ,  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш бўйича  
мустақил институт лойиҳа раҳбари, юридик фанлар номзоди*

## **ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА САЙЛОВЛАР: АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Дунё ҳамжамияти сайловларни фуқароларни ўз давлатини бошқаришда иштирок этиш универсал ҳуқуқини амалга оширишнинг асосий шаклларида бири сифатида эътироф этади. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлашдаги кенг халқаро ҳамкорлик бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам уни амалга ошириш механизми ва фуқаролик жамияти институтлари (ФЖИ) электорал фаоллигини жадал ривожланишига хизмат қилди. Ўзбекистонда ушбу жараёнларни ўрганиш миллий сайлов тизимининг жадал ривожланиши ва сайловларда фуқаролик жамияти институтлари (ФЖИ)нинг амалий иштирокига хизмат қилган асосий омилларни аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон фуқароларининг давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, бирлашиш, сайлаш ва сайланишга бўлган ҳуқуқларининг конституциявий мустаҳкамланиши миллий сайлов тизимини демократлаштиришнинг асосий омилларидан бири бўлди. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида фуқаролар иштироки, жумладан электорал иштирокнинг таомиллари такомиллаштирилиб, ФЖИнинг ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш кафолатлари мунтазам кенгайтириб борилмоқда.

Ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистонда фуқароларни хабардор қилиш ва улар билан маслаҳатлашиш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратининг самарали усуллари жорий қилинди. Бу сайланадиган ва бошқа давлат органлари фаолияти тўғрисида фуқаролар хабардорлигини ошириб, уларнинг фаолиятини холис баҳолаш, ўз манфаатларини аниқлаш ҳамда сайловларда бевосита ва ФЖИ тизими орқали фаол ва онгли равишда иштирок этишга хизмат қилди.

Фуқаролар ФЖИ томонидан сайловолди ташвиқоти, сиёсий партиялар сайловолди дастурлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларининг муҳокамаларини ташкил қилиш ва ўтказишда фаол иштирок этишди. Масалан, фақат 2015 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган 5 962 тадбирда 713 326 киши, Маҳалла хайрия жамоат фонднинг 11 523 тадбирида – 574 000 дан кўпроқ, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 376 тадбирида 35 700 та ёш сайловчилар иштирок этишди. Шунингдек, сайловда оммавий ахборот воситалари ва бошқа ФЖИ ҳам фаол иштирок этишди.

Сиёсий партиялар ўзини ўзи бошқаришини таъминлаш ва давлат бошқарувидаги ролини жадал ошириб бориш Ўзбекистон сайлов тизими демократлашувининг салмоқли омилларидан бўлди. Хусусан, миллий қонунчиликка

кўра сиёсий партиялар сайланадиган лавозимларга номзодларни кўрсатиш, сайланган вакиллари билан ишлаш ва бошқа ўз фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайдилар.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги етакчи ролини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Парламентимиз қуйи палатаси ва минтақавий вакиллик органлари сайловларида фақат уларга номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Бу билан ҳар бир фуқаронинг сайланишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда тенг шароит таъминланди, чунки давлат ва минтақавий даражадаги сайловларда номзод кўрсатиш кенг ташкилий имкониятларни талаб қилади. Шунинг учун ҳам халқаро амалиётда ушбу даражада фуқароларнинг ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқидан жуда ҳам кам фойдаланилади ва вакиллик органлари фаолиятига умуман таъсир кўрсатмайди.

Ўз навбатида, ҳар бир фуқарони сайланишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида сиёсий партиялар сайланадиган лавозимларга номзод танлаш ва кўрсатишда партия аъзоларини ҳам, партиясизларни ҳам тенг иштирокини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Миллий қонунчиликка кўра номзодлар сиёсий партиялар ёки уларнинг ҳудудий тузилмалари олий органлари, яъни бевосита партия аъзолари ёки уларнинг делегатлари томонидан кўрсатилади. Демак, ушбу амалиёт ҳар бир фуқарони сайланиш ҳуқуқини амалга оширишдаги тенгсизликни бартараф қилиб, ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг 7.5-бандини амалга оширишга хизмат қилади.

Маълумки, мажоритар сайлов тизими сайланадиган лавозимларга номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, жумладан праймериз қоидаларини жорий қилишда улкан имкониятларга эга. Ўзбекистонда ҳам номзодларни танлаш ва кўрсатишда кенг жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш сиёсий партияларнинг аҳоли манфаатларини янада кенгроқ ифода этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатига Олий Мажлис қуйи палатасида 15 та жойнинг квота қилиниши миллий сайлов тизимининг асосий хусусиятларидан бири бўлади. Бу экология соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг парламент фаолиятидаги амалий иштирокини таъминлади. Юқори палата аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмаслиги ва, асосан, ўз парламент фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши туфайли жойлар парламентнинг юқори эмас, балки қуйи палатасида квота қилинган. Парламент қуйи палатасида жойларнинг квота қилиниши Экологик ҳаракатга экологик муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш бўйича амалий қарорларни ишлаб чиқиш имкониятини берди. Ҳиндистон парламентининг қуйи палатаси – Лок Сабхани шакллантиришда ҳам унинг икки аъзоси келиб чиқиши британиялик бўлган ҳиндларнинг манфаатларини ифода этиш учун тайинланади.

Экологик масалаларни ҳал қилишда жамоатчилик иштирокининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, бевосита сайланадиган парламент пала-

тасида экологик ташкилотларга жой квота қилишни эътироф этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда ЕХХТ Копенгаген ҳужжатининг 7.5-бандида бевосита сайланадиган парламент палатасида кўпи билан 10 фоиз жой квота қилиш чекловини белгилаш ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва ушбу банд мақсадларига эришишга хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайловларда номзод кўрсатиши ФЖИнинг сайловлардаги амалий иштирокидир. Айнан жойларда фуқаролар маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни яхшироқ билиши ва самаралироқ ҳал қилишлари мумкин. 2014 йилда 421 та фуқаролар йиғинлари томонидан депутатликка 433 та номзод кўрсатилган бўлса, улардан 115 таси сайландилар. Бу кўрсаткич 2009 йилдаги сайловлар натижаларига нисбатан 153% га ошган бўлса ҳам (2009 йилда 75 та депутат сайланган), ҳали етарли эмаслигини айтиш мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан депутатликка номзодларни кўрсатишда кузатилаётган сусткашликни сиёсий партияларнинг кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўз навбатида, сиёсий партиялар томонидан сайловларда кўрсатилган номзодлар орасидан 2014 йил 21 декабрда ўтган сайловларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 692 та ходими халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига, 29 таси вилоят Кенгашларига, улардан 3 та депутат Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатига сайландилар.

Шунингдек, ФЖИ сайлов комиссияларининг мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнайдилар. Фуқаролар йиғинлари тегишли округ сайлов комиссияларига сайлов участкалари номзодларини тақдим қиладилар. Масалан, 2014 йилдаги парламент сайловларида участка сайлов ННТ вакиллари комиссиялари умумий аъзолари сонидан 15% ини, 2015 йилдаги президентлик сайловларида эса 22,3% ини ташкил қилди. Бунда участка сайлов комиссиялари фаолиятида фуқаролар йиғинлари фаолларидан 10 мингдан ортиқ киши жалб қилинди.

Бошқа томондан, сайлов комиссиялари таркибида сайлов қонунчилиги тўғрисида кенг билимларга эга бўлмаган жамоатчилик вакилларининг фаолият юритиши улар томонидан йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабабларидан биридир. Ушбу камчиликларга йўл қўймаслик уларни тизимли ўқитиш ва методик таъминлаш, тегишли ўқув дастурларини ишлаб чиқиш вазифаларини белгилайди.

ФЖИнинг сайловлардаги амалий иштироки сайловларнинг фуқаролик кузатувларида яққолроқ намоён бўлади. Бизнинг мамлакатимизда ФЖИдан сайловларни бевосита кузатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган. Умуман, миллий қонунчилигимизга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларининг, жумладан, сайловга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатига

эга, фуқаролар, ННТ ва бошқа юридик шахслар сайлов масалалари бўйича ҳам муурожаат қилиш, сайлов комиссиялари йиғилишларида иштирок этиш, ОАВ вакиллари эса сайлов жараёнларини ёритиш ҳуқуқига эга. Ушбу ваколат ва ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш жараёнида сайловларни кузатув институти ҳам такомиллашиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, фуқароларнинг сайловлардаги иштироки, кўпчиликда сиёсатдан узилиб қолиш ҳиссининг йўқлиги сайловларда ФЖИ амалий иштирокининг кўрсаткичидир. Шу жиҳатдан фуқароларимиз электорал фаоллиги сиёсий партиялар ва бошқа ФЖИнинг сайловлардаги амалий иштирокининг ифодасидир. 2007 йилдаги президентлик сайловида жами сайловчиларнинг 90,6% иштирок этган бўлса, бу кўрсаткич 2009 ва 2014 йилдаги парламент сайловида – 87,8 ва 88,9% ни, 2015 йилдаги президентлик сайловида 91,8% ни ташкил этган. Қиёслаш учун ЕХҲТ давлатларида фуқароларнинг сайловлардаги иштирокининг ўртача кўрсаткичи 68% ни ташкил қилишини айтиш мумкин.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ижросининг тизимли мониторинги, аниқланган муаммоларни ҳал қилишда хорижий давлатлар тажрибасини ва энг яхши сайлов амалиётларини инобатга олиш фуқароларнинг юқори электорал фаоллиги, жумладан сайловларда ФЖИнинг амалий иштирокини таъминлашга хизмат қилади. Сайлов қонунчилиги долзарб масалаларининг кенг жамоатчилик муҳокамалари бўйича конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш бу борадаги тизимли фаолиятнинг таркибий қисмидир.

*Евгений СЛОБОДА,  
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия  
қўмитасининг МДХ кузатувчилари миссияси  
фаолиятини таъминлаш бўлими бошлиғи*

## **САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДЕМОКРАТИКЛИЛИГИ ВА ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХАЛҚАРО КУЗАТУВНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

### **I**

Мана, 14 йилдан ортиқ давр мобайнида МДХ маконида ушбу ташкилот фаолиятининг энг фаол ва самарали йўналишларидан бири – сайлов ва референдумларнинг халқаро кузатуви амал қилиб келмоқда.

МДХдан Кузатувчилар биринчи миссияси Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари Кенгашининг қарорига асосан 2001 йил 9 сентябрда Беларусда бўлиб ўтган президентлик сайловига юборилган эди.

Бу Кузатувчилар миссияси биринчи ва айниқса қимматлиси шундаки, ижобий тажрибаси бўлди. Сайлов ташкилотчилари МДХ кузатувчиларида сиёсий тус олган назоратчиларни эмас, балки холис таҳлилчи мутахассисларни кўрди. Улар нафақат сайлов жараёнини ташкил қилишдаги хато ва камчиликларни қайд этади, балки бундай хатоларга йўл қўймаслик бўйича дўстона маслаҳатлар беради.

Шу вақт мобайнида МДХ Ижроия қўмитаси томонидан Ҳамдўстлик давлатлари билан бирга 80 та миссия иши ташкил қилинди. Ушбу миссиялар Ҳамдўстликнинг барча мамлакатлардаги сайлов кампанияларининг мониторингини юритди.

Сайловларнинг халқаро кузатуви аслида касбга айланиб бормоқда. Ўзингиз кўринг. Миссияларнинг таркибига МДХга аъзо давлатларнинг миллий парламентлари депутатлари, Марказий сайлов комиссиялари раҳбарлари, дипломатик корпуси, сайлов комиссияларининг вакиллари, яъни сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни соҳасида тайёргарлиги бор мутахассислар кирган. Зеро, Ҳамдўстликнинг ҳар бир давлатида кузатувчиларимиз тилсиз «камчиликлар йиғувчилар» эмас, балки демократик сайлов ташкил қилиш ва ўтказишда касбий маслаҳатчилар ва ёрдамчилар сифатида намоён бўладилар.

Халқаро мажбуриятларни бажариб, давлатлар олдиндан сайлов кампанияларини кузатиш учун Миссияни таклиф этади. Бу давлатларнинг таклифига биноан ўз таркиби бўйича оптимал миссияларни ошкора ва очик шакллантириш, сайловларнинг тўлақонли мониторингини ташкил қилиш ва сайлов қонунчилигининг ҳуқуқни қўллаш амалиётини баҳолаш имконини беради. Буларнинг барчаси фақат бир нарсадан, яъни сайлов ўтказувчи давлатларнинг

очиқ ва шаффоф сиёсатидан дарак беради. Соддароқ айтганда – келинглари, кузатинглари, баҳоланглари. Ёпиқ мавзуларимиз йўқ.

Бундан ташқари, Миссияни таклиф этишни биз сайлов ўтказувчи давлатнинг яхши ният ифодаси сифатида баҳолаймиз.

Ҳар қандай давлатда сайлов демократия ва мамлакат бошқарувида халқ вакиллигини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Биз бўлиб ўтган сайловларга сиёсий баҳо беришга ҳақимиз йўқ, деган нуқтаи назарга қатъий амал қиламиз. Миссия сайлов кампанияларининг миллий сайлов қонунчилигига мувофиқлигини баҳолайди. Бунда демократия ривожини ва мустақамланиши ҳақида ғамхўрлик сайлов жараёнини кузатишнинг асосини ташкил қилади.

Ҳамдўстликнинг барча мамлакатларида халқаро кузатув институти қонунчилик даражасида мустақамлаб қўйилган. Ҳолбуки, ЕХҲТнинг 20 дан ортиқ давлатлари ҳудудларида халқаро кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши қафолатланмаган.

Сайлов кампанияларининг тажрибаси ушбу институт жорий қилинганлиги фақат сайлов қонунчилигининг демократилигини тасдиқлашини кўрсатади. Бундан ташқари, давлатларда кузатувчилар ва халқаро (хорижий) кузатувчилар фаолиятининг демократик сайлов ўтказишда умумэътироф этилган нормаларига жавоб берадиган услубий, илмий ва қонунчилик асослари шаклланди.

Халқаро кузатувда иштирок этишни биз қайсидир давлатда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш амалиёти билан нафақат танишиш имконияти, балки ўз ҳамкасблари, бошқа кўп давлатлардан сайлов ташкилотчилари билан иш бўйича учрашувлар ўтказиш, улар билан бизни қизиқтирган муаммоларни муҳокама қилиш, тажриба алмашиш имконияти деб биламиз.

Халқаро кузатувчиларга сайлов комиссиялари ишини ва умуман, сайлов кампанияси ўтишини кузатишда иштирок этиш учун кенг имкониятлар берилади.

Сайловларнинг кузатувини амалга ошириш тажрибаси кўрсатганидек, сайлов кампаниясини ташкил этишда яратилган очиқлик ва ошкоралик муҳити, кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши фуқароларнинг сайловларнинг эркин ва адолатли эканлигига ишончини оширади, уларнинг сайлов жараёнида фаолроқ қатнашишига, шунингдек, сайловчиларнинг барча даражадаги ҳокимият органлари шаклланиши ҳаққонийлиги ва қонунийлигига ишонч ҳосил қилишларига замин яратади.

МДҲ халқаро кузатувчилари миссияларининг юксак касбий даражасини кузатув натижалари бўйича қабул қилинадиган Баёнотлар мазмуни намоён этиб турибди.

Сўнгги йиллардаги якуний баёнотлар – бу сайлов ўтказувчи мамлакат сайлов қонунчилигининг, сайлов кампанияси барча босқичлари, овоз бериш ва овозларни санаб чиқиш, шикоятларни кўриб чиқиш жараёнлари қонунчилик талаб-

ларига мувофиқчилигининг холис баҳосидан иборат кўп саҳифали таҳлилий, юридик жиҳатдан асосланган ҳужжатлардир. Ўтказилган таҳлил асосида Миссия сайлов қонунийлиги ва демократилиги тўғрисида хулосаларини шакллантиради ва сайлов ташкилотчиларига сайлов жараёни ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифларини тавсия этади. Назаримизда, айнан шу эркин ва демократик сайлов ўтказилишига кўмаклашишдир.

Шундай қилиб, сайловларни кузатиш жамиятни демократлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири, инсон ҳуқуқлари амалга оширилишининг муҳим кафолати ҳисобланади. Бундай жараён демократик сайлов тизимининг ажралмас институтига айланди.

## II

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида сайловлар ўтказиш ва уларни кузатиш бўйича ўз тажрибасини тушунган сари аъзо давлатлар фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш, демократик сайлов ягона мезонларини ишлаб чиқиш учун халқаро ҳуқуқий стандартлар белгилаш зарурлигини англадилар. Шунинг учун 2002 йилда Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари Кенгаши МДҲга аъзо давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. У кузатувчилар миссиялари фаолиятининг ҳуқуқий асосига айланди. Бундай ҳужжатнинг мавжудлиги кузатувчиларнинг барча давлатлардаги сайловларни баҳолашга нисбатан тенг ёндашувни, баҳоларнинг адолатлилиги ва холисчилигини кафолатлайди.

Амалий тажриба асосида Ҳамдўстлик ташқи ишлар вазирларининг Кенгаши томонидан президентларнинг топшириғи билан МДҲдан Кузатувчилар миссияси тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Низом аслида ҳар бир кузатувчи учун йўриқнома вазифасини ўтайди ва унга сайлов жараёнини баҳолашда белгиланган мезонларга аниқ риоя қилишга ёрдам беради.

Мустақиллик йилларидаги сайловлар мониторинги натижалари кўрсатганидек, Ҳамдўстлик давлатларида сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш йўли билан эркин, очиқ ва демократик сайлов ўтказиш имконини яратган, демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

МДҲ давлатларининг миллий қонунчилиги эркин ва очиқ сайлов ўтказиш мумумътироф этилган нормаларига жавоб беради. Уларда демократик сайлов стандартлари акс этган. Хусусан:

- фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи;

- сайловнинг очик ва ошкора хусусияти;
- фуқаронинг сайлов ҳуқуқларининг суд ва бошқа тусдаги ҳимояси амалга оширилиши;
- сайловларнинг жамоат ва халқаро кузатуви;
- сайлов жараёни иштирокчилари сайлов ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишининг кафолатлари;
- умумий тенг сайлов ҳуқуқи ва яширин овоз бериш асосида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигини таъминлайдиган сайловларнинг адолатлилиги, ҳаққонийлиги ва эркинлиги принциплари.

Биз Ҳамдўстлик мамлакатларининг сайлов қонунчилигини Конвенция ва ЕХХТнинг сайлов соҳасидаги мажбуриятларига жавоб бериш нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил ўтказдик. Унинг натижалари кўрсатганидек, Ҳамдўстлик мамлакатларининг сайлов қонунчилиги Конвенцияга ҳамда ЕХХКнинг 1990 йил 29 июнда қабул қилинган Инсонийлик мезонлари бўйича Конференцияси Копенгаген ҳужжатига тўла мувофиқ келади.

Ҳеч кимга сир эмас, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида кузатувчилар институти яратилган бўлиб, у барқарор амал қилмоқда ва сайлов жараёни мониторингини холисона ўтказиш ва сайлов натижаларини баҳолашга қодир. МДХдан кузатувчилар миссияси давлатларда юз бераётган сайлов жараёнларининг халқаро мониторинги тизимининг ажралмас қисмига ва сиёсий ҳамкорликнинг самарали шаклига айланди.

Миссияга Ҳамдўстлик маконида эҳтиёж бор, у билан халқаро ташкилотлар ҳисоблашади, унинг фаолияти эса МДХга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

2011 йил декабрда Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари Кенгаши ўзининг «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иштирок этувчи давлатларда президентлик ва парламент сайловларида, шунингдек референдумларда МДХдан кузатувчилар миссияси ролини ошириш тўғрисида»ги қароридан Миссиянинг сайловлардаги ишига ижобий баҳо берди, унинг кузатувни ташкил этишга ёндашувларини маъқуллади, шунингдек уни такомиллаштиришга қаратилган чоралар белгилади.

### III

МДХдан кузатувчилар миссияси ўтган йилнинг охирида ва жорий йилнинг бошида Ўзбекистонда парламент ва президентлик сайловларини мониторинг қилиб борди.

Сайлов кампаниялари демократик ва очик равишда ўтди. Назаримизда, МДХ кузатувчиларининг сайлов кампаниялари барча босқичларида ҳозир



бўлиши эркин ва демократик сайлов амалга оширилишининг асосий шарти бўлди.

Республикада халқаро кузатув учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Бу эса, сайлов жараёни демократлиги, очиқлиги ва шаффофлигидан дарак беради.

МДХ кузатувчиларига сайлов участкаларига монеликсиз кириш, сайлов жараёни иштирокчилари, сиёсий партиялар ва Президентликка номзодларнинг сайловолди штаблари, ижроия ҳокимияти органлари вакиллари билан эркин мулоқот қилиш ҳуқуқи берилди.

МДХ кузатувчилари сайлов жараёнини тартибга соладиган ҳужжатлардан фойдаланиш, участка ва округ сайлов комиссияларига зарур маълумот олиш мақсадида эркин ташриф буюриш имконига эга бўлди.

Кузатувчилар мамлакат бўйича эркин ҳаракатланиш ва сайлов участкаларига ўз хоҳишига кўра бориши мумкин эди. Бунинг учун қабул қилаётган мамлакатнинг махсус рухсати талаб қилинмади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари амалга оширди.

Кузатувчилар ишонч ҳосил қилганидек, комиссиялар фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, очиқлик ва ошқораликдан иборат эди.

Кузатувчилар Марказий сайлов комиссияси, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан сайлов жараёни масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилдилар.

Барча даражадаги сайлов комиссиялари, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари кузатувчиларга ўз вазифаларини бажаришларига зарур ёрдам кўрсатдилар.

Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлиши лозим. Ушбу ҳуқуқни амалга оширишда сайловчилар рўйхати муҳим ўрин тутди.

Кузатувчиларга сайловчилар рўйхати билан танишиш ва участка сайлов комиссиялари билан рўйхатни тузиш, унга аниқлик киритиш ва текшириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашиш имконияти таъминланди.

Ташвиқот даврини кузатишда кузатувчилар таъкидлаганидек, сайлов жараёни иштирокчиларига сайловолди кампаниясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Номзодларнинг чиқишлари теле- ва радиоканаллар бўйича эфирга узатилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан етарли миқдорда тенг шароитларга риоя этган ҳолда сайловолди ташвиқотига оид материаллар – номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури акс этган плакатлар, рисолалар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланди. Улар барча округларда ва сайлов участкаларида жойлаштирилди.

Барча даражадаги сайлов комиссияларининг иши очиқ ва ошкора амалга оширилди. Марказий ва округ сайлов комиссияларининг мажлисларида халқаро кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Кузатувчилар таъкидлаганидек, овоз бериш куни сайлов комиссиялари, давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг ҳимоясини ва амалга оширилишини таъминлади.

Сайлов куни овоз бериш учун участкага келиш имконига эга бўлмаган фуқаролар муддатидан олдин овоз берди. Ҳамдўстлик кузатувчилари ушбу жараёни кузатдилар.

Овоз бериш хоналари сайловчилар сайлов бюллетенларини олиш, тўлдириш ва овоз беришлари, комиссия аъзолари ва кузатувчилар ўз вазифаларини бажаришлари учун зарур асбоб-ускуналар ва анжомлар билан жиҳозланди ва таъминланди.

Сайловчиларнинг бўлиб ўтган сайловлардаги юксак фаоллиги Ўзбекистон халқининг мамлакати келажаги учун масъуллигини яққол намоён қилди.

Овозларни санаб чиқишда кузатувчиларга бюллетенлар санаб чиқилиши жараёни кўринарли бўлиши таъминланган шароитда кузатиш имконияти берилди.

Фуқаролик жамияти институтларининг сайловдаги ўрни ва иштирок этиш имкониятлари кенгайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, овоз бериш жараёни устидан жамоат назоратини таъминлади.

Буларнинг барчаси халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши адолатли ва ошкора сайлов тамойилларининг мустақамланишига, сайлов кампанияси демократлилиги ва очиқлигига хизмат қилади, деган хулоса чиқариш имконини беради.

#### IV

ЕХХТ ДИИХБ сайловларни кузатишга нисбатан ягона стандартлари йўқлиги масаласини айтмаслик иложиси йўқ.

Биз Ғарбдаги шерикларимизга ЕХХТ доирасида сайловларни мониторинг қилиш ягона мезонларини ишлаб чиқишни таклиф қилганмиз ва ҳозирги вақтда ҳам таклиф этмоқдамиз. Сайловларни кузатишга нисбатан ёндашувлар ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда барча учун бир хил бўлиши лозим.

Менинг шахсий фикрим, сайловларни кузатиш ҳуқуқий базаси йўқлиги аслида ЕХХТ ДИИХБнинг сайловларни кузатиш соҳасидаги фаолиятида мавжуд бўлган зиддиятларнинг асосий манбасидир.

V

Ўз сўзимни яқунлар эканман, таъкидламоқчиманки, МДХ кузатувчилари миссиясининг бош мақсади фуқароларнинг ўз келажагини эркин, мустақил танлаш шароитларини таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Ишончим комилки, давра суҳбати конструктив руҳда, самимий тусда бўлиб ўтади ва энг асосийси, мамлакатлардаги сайлов жараёнларини баҳолашга нисбатан универсал ёндашувлар топиш ва ишлаб чиқишга ва пировардида уларнинг демократлилигини оширишга хизмат қилади.

**Гульчехра МАЛИКОВА,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*  
*Давлат бошқаруви академияси доценти*

**2014 ВА 2015 ЙИЛЛАРДАГИ САЙЛОВ КАМПАНИЯЛАРИДА  
ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ  
ТАҲЛИЛИ ВА ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Ҳар қандай демократик давлатни сайловларсиз тасаввур этиш мушкул. Ўзбекистонда сайловлар ёрдамида халқ ҳокимиятининг турли органлари – вакиллик идоралари (парламент ва халқ депутатлари Кенгаши), давлат раҳбари сайланади, ҳукумат бошқаруви институти шакллантирилади.

Сайлов институтининг ёши кексайиб қолганлигига қарамай, унинг вазифаси ўзгармас – у ҳокимиятни қонунийлаштиради. Шу ўринда, яқиндагина, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларни ҳамда халқимиз давлат раҳбари – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлаганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Ҳар қандай ҳуқуқий жараён каби сайлов жараёни – ҳам муайян фаолият, ҳам шу фаолиятни мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий нормалар тизими ҳисобланади. Кўпчилик, «сайловларнинг санасини олдиндан ҳисоблаб чиқиш осон ва шунинг учун сайлов жараёни ҳам ўз-ўзидан бошланиб кетаверади», деган фикрда бўлади. Бироқ, амалиёт бунинг аксини – сайлов кампаниясини эълон қилиш ниҳоятда пухта тайёргарлик кўриш заруратини тасдиқлайди. Шу сабабдан 2014 йилнинг 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (МСК) вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда асосий талаб, мақсад ва вазифалар белгиланиб, ўтказиладиган барча тадбирлар аниқ вақтли жадвал асосида, ҳар бирига масъул ижрочи ташкилот кўрсатилган ҳолда тузилган. Бундай ёндашув сайловларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори даражада ўтказишни ташкил этиш имкониятини берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида МСК, мақомининг мустақамланиши эса Марказий сайлов комиссиясининг ўз фаолиятини амалга ошириш масалаларида мустақил орган ҳисобланишини яна бир бор тасдиқлади. Унинг мустақиллиги – давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси уч тармоғига тааллуқли бўлмаганлигига қарамасдан, алоҳида давлат-жамоат тизими сифатида иш юритишидадир.

Халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси ўзи масъул бўлган халқаро мажбуриятларини «Pactasuntservanda!» – «Келишувлар бажарилмоғи даркор!» замирида бажариб келмоқда. Гап – Венециан комиссияси томонидан қабул қилинган «Сайловларни ўтказишда

тавсия этилган нормалар мажмуи» хусусида. Ушбу тавсияларда: «Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг асосий жиҳатларини, жумладан, бевосита сайлов тизимини ... қайта кўриб чиқишни, сайлов ўтказишдан камида бир йил аввал тақиқлаш лозим»лиги қайд этилган. Шу асосда, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларига 2012 йилнинг 19 декабрь куни ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг охириги ўтган сайловларига биз сайлов қонунчилигининг ўзгартирилган ва тўлдирилган нормалари билан кириб борган эдик. Сайлов қонунчилиги бутун сайлов кампанияси жараёни давомида ўзига хос синовдан ўтди. Хўш, ҳуқуқни қўллашда қайси жиҳатлар илк бор синалди?

Биринчидан, сайлов қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришда, айбсизлик презумпцияси ҳақидаги конституциявий принцип режа асосида ўзаро алоқадор бўлган қарорларнинг тегишли тўплами билан мувофиқлаштирилди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига сайлов участкаларини қамоқда сақлаш жойларида ташкил этиш тўғрисида ўзгартиш киритилди. Ушбу нормани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқиб, тасдиқлади. Шу асосда республика бўйича 11 та сайлов участкаси тергов ҳибсхоналарида ташкил этилди.

Иккинчидан, кўрилаётган қонунга Ўзбекистон экологик ҳаракатининг парламент қуйи палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларнинг иштирокига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 2014 йилнинг 21 декабрь – сайлов куни, Экоҳаракат анжуманида халқаро кузатувчиларнинг 11 нафари, жумладан, ЕХХТ ДИИХБ кузатувчилари миссияси раҳбари, МДХ кузатувчилар миссияси вакиллари, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва Покистон Ислом давлати кузатувчилари иштирок этдилар.

Учинчидан, «Сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, муддатидан олдин овоз бериш жараёнининг муддатлари ва тартиби белгиланди. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ташкил этилган семинар-тренингларда энг кўп берилган саволлар айнан шу тўғрисида бўлди: Муддатдан олдин овоз бериш соат нечада бошланади, муддатидан олдин овоз бериш ҳақида кузатувчилар ва сайловчилар қандай қилиб хабардор қилинади ва ҳ.к. Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом муддатидан олдин овоз бериш жараёнини ойдинлаштирди.

2014 йилнинг 11 декабридан 20 декабрига қадар сайловчилар УСК хоналарида муддатидан олдин овоз бердилар. Бунда 8311 нафар сайловчи иштирок этди.

Тўртинчидан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга қонун чиқарувчи нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига йўл қўймасликка оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритди. Турли бино, иншоотлар ва бошқа жойларда ўрнатилган ташвиқот материаллари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан сайловдан бир кун олдин ечиб олинади.

Шундай қилиб, сайловчи сиёсий партиялар, номзодлар ҳақида олинган барча маълумотларнинг моҳиятини англаб етиши ва ўз хоҳиш-иродасини билдириши учун сукунат куни белгиланди. Мазкур тақиб ташвиқотнинг барча кўринишларини қамраб олган: сукунат куни телевидение орқали сайловолди роликлари намойиш этилмаган, плакат ва варақалар тарқатилмаган, сайловчилар билан учрашув ва баҳс-мунозаралар ўтказилмаган.

Бешинчидан, сайлов кампанияси давомида жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари инобатга олинди. Сайлов участкаларида жисмоний имкониятлари чекланган шахсларнинг ногиронлар аравачасида эркин ҳаракатланишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Сайлов участкаларининг кириш қисмларида пандуслар ўрнатилиб, овоз бериш кабиналаридан бири ногиронлар аравачасида кирган сайловчилар учун махсус жиҳозланди. Мазкур кабиналарнинг ичида бюллетенларни ўтирган ҳолда тўлдириш учун қулайликлар яратилди.

Бироқ, бу ҳолат ногирон сайловчиларнинг улар турган жойда овоз беришларига ҳеч қандай таъсир қилгани йўқ.

Олтинчидан, сайлов участкалари бир хил пардали яширин овоз бериш кабиналари билан жиҳозланган бўлиб, овоз бериш учун мўлжалланган икки хил катталиқдаги сайлов қутилари ва кўчма сайлов қутилари марказлаштирилган равишда тайёрлаб берилди. Бунда катта ҳажмдаги кути сайловчилар сони 1 (бир) мингдан ошган сайлов участкаларида, кичикроқлари эса, сайловчилар сони мингдан кам бўлган сайлов участкаларига ўрнатилди.

Бироқ, ижобий жиҳатлар билан бирга ҳали такомиллаштирилиши лозим бўлган томонлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, ўтган сайловлар натижасидан биз қандай амалий сабоқлар чиқаришимиз мумкин?

Биринчидан, тарғибот-ташвиқот даври мобайнида сиёсий партиялар учун улкан ижодий майдон яратилди (фонограммалар, аудиовизуал материаллар, плакатлар ва ҳ.к.). Лекин, сиёсий партиялар томонидан жисмоний имконияти чекланган шахсларни қамраб олиш масаласи хануз очиқ қолмоқда. Кўзи ожиз

ва кар-соқовлар сиёсий партияларнинг у ёки бу номзодлари ҳақидаги маълумотларни қайси манбалардан олмоғи даркор?

Иккинчидан, давлат ва нодавлат телекўрсатувлари давомида прайм-тайм мобайнида субтитр таржимонларини жалб этиш зарур.

Учинчидан, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ташкил этиладиган семинар-тренинглар кичик фокус гуруҳларида амалга оширилиши лозим. Шунда улар самаралироқ натижа беради.

Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ривожлантириб бориш томон йўл олди, бу жараён узлуксиз бўлиб, ҳар бир ўтказилаётган сайлов кампанияси уни янада такомиллаштириб, ўз ҳиссасини қўшиб бормоқда. Ўзбекистоннинг мазкур тажрибаси нафақат Осиё, балки кўпгина Европа давлатлари учун ҳам намуна бўлиб, уни ўрганиш ва ўз миллий тизимларида қўллашга хизмат қилмоқда.

Демак, биз инсон ҳуқуқларини янада кенгайтирадиган, сайлов қонунчилигини либераллаштирадиган ҳамда мамлакатимизда демократия тамойилларини мустаҳкамлайдиган қулай, замонавий ва талабга муносиб йўналишларни ўрганишимиз лозим.

*Акмал МАМАЖОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси тингловчиси*

## **САЙЛОВ ЖАРАЁНИДА САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнининг аҳамияти беқиёсдир. Ҳар бир давлат сайловларнинг адолатли ва холисона ўтишига имкон қадар интилади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик тамойилларга асосланган сайлов тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда сайлов қонунчилиги миллий қадриятларимиз ва давлатчилик тарихимиз асосида, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг давлат органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки асосан сайловларда намоён бўлади. Эркин ва бевосита сайловлар орқали фуқаролар ўзи муносиб билган шахсларни ҳокимият органларига сайлайди, уларга нисбатан ўз муносабатини билдиради ҳамда давлат бошқарувини амалга оширишда иштирок этади.

Мамлакатимизнинг сайлов тизими ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизда, айниқса МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб қабул қилинганлиги фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга нечоғлиқ эътибор берилишини кўрсатади.

Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида сайловчилар рўйхатини тузиш ишига муҳим ўрин берилади. Сайловчилар рўйхати – участка сайлов комиссияси томонидан тузиладиган расмий ҳужжат бўлиб, ушбу рўйхатга актив сайлов ҳуқуқига, яъни депутатликка номзодларни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар киритилади. Сайловчилар рўйхати, одатда, муайян ҳудуддаги фуқаролар йиғини органлари тақдим этган маълумотларга асосланган ҳолда



участка сайлов комиссияси томонидан шакллантирилади ҳамда участка сайлов комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, тегишли сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қиладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларидаги сайловчилар рўйхати ушбу муассаса раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади. Ҳарбий қисмларда эса, жойлашган ҳарбий хизматдаги сайловчилар ва уларнинг шу ҳудудда истиқомат қилаётган оилаларининг рўйхати ҳарбий қўшинмалар командирларининг тақдимномасига биноан тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар, умумий асосларда, истиқомат жойлари бўйича тузиладиган сайловчилар рўйхатига киритиладилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхати сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва боришқийин бўлган ерларда, қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Қонунчиликда бундай норманинг мавжудлиги сайловчига сайлов ҳуқуқини кафолатлаб, сайловчилар рўйхатидаги хато ва ноаниқликлар борлигини олдиндан аниқлаш имконини берибгина қолмасдан, бундай хато ва ноаниқликлар борлиги тўғрисида тегишли сайлов комиссиясига мурожаат қилиш имконини ҳам беради. Участка сайлов комиссияси йигирма тўрт соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ҳамда хатони тузатиши ёки аризачига унинг аризаси асосли тарзда рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани бериши шарт.

Рўйхат сайловчиларни ўзида қайд қилувчи шунчаки ҳужжат бўлмай, у овоз беришга, сайловчилар ўз исм-шарифларини осон топиб, сайлов бюллетени олишларига қулайлик туғдиришга мос равишда тузилиши керак. Мисол учун: алифбо бўйича, қишлоқма-қишлоқ, аҳоли пунктлари бўйича, уйма-уй, кўп қаватли уйлар бўйича ва ҳ.к. Унда сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойининг манзили, туғилган йили, агар фуқаро сайлов бўлиб ўтадиган йил сайлов кунигача 18 ёшга тўладиган бўлса, унда унинг туғилган оyi ва санаси кўрсатилади.

Ҳозирги кунгача сайловчилар рўйхатини шакллантириш давомида сайловчилар ўз шахсий маълумотларини сайловчилар рўйхатидан текшириш ёки сайлов пайтида сайловчилар рўйхатида ўзига хос менталитетимиз ҳамда ўзаро

хурмат юзасидан исмларга «жон», «хон», «бек» қўшимчалари қўшилиб ёзилишини ҳамда жузъий камчиликларни инобатга олмасак, бошқа жиддий хато ва камчиликлар йўқлиги участка сайлов комиссиясининг, маҳалла фуқаролар йиғини, қишлоқ фуқаролар йиғини аъзолари ва жамоат вакилларининг бу масалага жиддий ёндашганидан далолат беради. Бундай камчиликлар зудлик билан участка сайлов комиссияси томонидан бартараф этилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сайловчилар рўйхатини олдиндан тузиб, сайлов кунига қадар тайёр ҳолатга келтириш бўйича норманинг мавжудлиги сайловчилар ҳамда сайлов комиссиялари учун албатта энгилликлар туғдиради. Жумладан, сайловчилар ортиқча вақт сарфлаб сайловда иштирок этиш истagini билдириб ҳеч қаерга мурожаат қилмайди, сайлов куни рўйхатдан ўз фамилия, исмини тез топа олади, олдиндан қайси участкада овоз беришини билади. Қолаверса, сайлов участкаси худудида яшовчи сайловчиларнинг умумий сони белгиланади, ушбу рўйхат асосида сайловчиларга сайлов бюллетени берилади ҳамда мазкур рўйхат асосида сайловчиларнинг сайловда иштироклари аниқланади. Сайловчилар рўйхатини олдиндан тузилишининг яна бир эътиборли томони шундан иборатки, Ўзбекистон Республикасида айнан сайловчилар сонидан келиб чиқиб сайлов участкалари тузилади.

Сайловчилар рўйхатини тузиш аслини олганда жуда муҳим масаладир. Чунки, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин<sup>1</sup>лиги қатъий белгиланган.

Лекин, ҳозирги кунда юқоридаги норманинг амалда ижросини таъминлаш ва ҳар бир сайловчи фақат бир маротаба рўйхатдан ўтганлигини текшириш имконияти мавжуд эмас. Чунки сайловчилар рўйхати участка сайлов комиссиялари томонидан тузилиб, бошқа рўйхатлар билан солиштириш учун ҳеч қаерга топширилмайди ва жамланмайди. Келажакда сайлов жараёнини янада демократлаштиришнинг долзарб муаммоларидан бири ва ҳозирги куннинг талаби давлатимизда сайловчиларнинг марказлашган электрон рўйхатини шакллантириш ҳисобланади. Агарда участка сайлов комиссиялари томонидан тузилган сайловчилар рўйхатини электрон нусхаси бир жойда жамланилса, албатта ҳар бир сайловчи фақат бир маротаба рўйхатдан ўтганлигини текшириш имкони яратилади.

Қолаверса, бу муаммонинг ҳал этилиши фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга хизмат қилади, бутун сайлов жараёни очиклиги ва ошкоралиги тамойилини таъминлайди, сайлов комиссиялари ва маҳаллий органлар ишини энгиллаштиради, икки марта овоз бериш эҳтимоли ҳолатларининг олдини олади, шунингдек «Бир сайловчи – бир овоз» тамойилининг амал қилинишини таъминлайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, 5-сон, 127-модда.

*Арнис ЦИМДАРС,  
Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси*

## **ЛАТВИЯ САЙЛОВЧИЛАРИ ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТИ ҚЎЛЛАНИЛИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИХАТЛАРИ**

Сайловчиларни ҳисобга олиш ягона ва марказлаштирилган электрон тизими Латвияда 2004 йилда яратилиб, Европа парламенти сайловида жорий қилинган. 2004 йилга қадар Латвия Республикасида сайловчилар регистрдан фойдаланилмаган. Барча сайлов ва референдумларда биринчи мустақил Латвия давлатидан мерос бўлиб қолган тартиб қўлланилган, яъни сайловчилар сайлов куни рўйхатга олинган, паспортига сайловда иштирок этганлик учун белги қўйилган. Ҳозирги вақтда Латвияда олдиндан тузилган сайловчилар рўйхатларидан аввалгидек парламент сайловида ва референдумларда фойдаланмайди, балки Европарламент сайловида ва маҳаллий сайловда қўлланилади.

Шунинг учун ҳам мазкур таҳлилда «сайловчилар электрон рўйхати» тушунчаси кенгроқ маънода, яъни сайловчиларни ҳисобга олиш ягона марказлаштирилган ва электрон тизими – сайловчилар электрон регистри сифатида қўлланилади.

### **Латвиянинг сайловчиларни рўйхатга олиш модели**

Латвияда қўлланиладиган сайловчиларни рўйхатга олиш модели ўзида жаҳонда кенг тарқалган сайловчиларни рўйхатга олиш иккита асосий моделидаги кўрсаткичларни мужассамлаштирган. Уларнинг бири – давлатнинг ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловчилар рўйхатларига сайловчиларни киритиш учун тўла масъуллигини назарда тутди. Иккинчиси эса, сайловда рўйхатдан ўтиш ва сайловчилар рўйхатларида маълумотлар долзарблиги сайловчилар зиммасида эканлигини аниқлади.

Латвияда Сайловчилар регистрига сайловчиларнинг дастлабки рўйхатини киритиш учун давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жавоб беради. Айтиш мумкин, сайловчилар рўйхатлари яратилганидан кейин сайловчилар Сайловчилар регистрига киритилган маълумотлар тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин, шунингдек зарурат бўлганда дастлаб рўйхатга олинган участкани алмаштириш имконияти ёки мажбуриятига эга.

Латвия барча фуқаролари ва ўз яшаш жойини Латвияда рўйхатдан ўтказган Европа Иттифоқида иштирок этувчи мамлакатлар фуқаролари тўғрисидаги ахборотдан иборат. Аҳолининг электрон ва марказлаштирилган регистри Сайловчилар сифатли электрон регистрининг дастлабки шarti ҳисобланади. Аҳоли регистрида шахснинг исми, фамилияси, яшаш жойи, шахсни тасдиқ-

ловчи хужжатлар, фамилияси ўзгарганлиги каби маълумотлар тўпланади. Ушбу регистрга киритилган ҳар қандай шахс ўзининг шахсий кодига эга. Ахборот технологиялари яратган имкониятлар туфайли бугунги кунда Аҳоли регистрида ўзгаришларни реал вақт режимида амалга ошириш мумкин. Масалан, фуқаро янги яшаш жойини Аҳоли регистри онлайн тизимида ўзини таништирганидан сўнг узоқда туриб рўйхатдан ўтказиши мумкин.

### **Сайловчилар регистри амал қилиши**

Сайловчилар регистрга услубий раҳбарлик ва назорат Марказий сайлов комиссияси томонидан, регистрга киритилган маълумотларга ишлов бериш ва уни қўллаб-қувватлаш Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма томонидан амалга оширилади. Ушбу муассасалардан ташқари, сайловчилар рўйхатларини тузишга ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссиялари ва рўйхатни тузиш якуний босқичида сайловчилар ҳам жалб этилади.

Сайловчилар регистрини яратиш сайловга 120 кун қолганида бошланади. Бунда Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма Аҳоли регистрининг аввалги сайловда ҳар бир манзилга бириктирилган ҳар бир ўзини ўзи бошқариш органи ва сайлов участкаси маъмурий ҳудудида турар жой манзили бўйича рўйхатга олинган сайловчилар сони тўғрисидаги маълумотларини электрон кўринишда умумлаштиради ва ўзини ўзи бошқариш органларига беради.

Латвияда сайлов участкаларининг тармоғи доимий хусусиятга эга. Ҳар бир участка ўзининг рақамига эга ва участкалар рўйхатида ўзгаришлар фақат ўзини ўзи бошқариш органи таклифи билан Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилиши мумкин. Амалиёт кўрсатганидек, сайлов олдида участкалар рўйхатида ўзгаришлар тахминан 10 фоиз ҳолатларда талаб этилади. Ўз навбатида, асосан участкалар жойи сайловдан сайловгача ўзгармайди.

Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқармадан ахборот олгандан кейин ўзини ўзи бошқариш органининг вазифаси уч ҳафтада тегишли участка турар жойга бириктирилганлигини текшириш, участкалар бўйича янги турар жойларни тақсимлаш, сайловчилар сони участкада мутаносиблигига ишонч ҳосил қилиш ва зарурат бўлганда Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма томонидан тайёрланган рўйхатда бошқа ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир. Ўзгаришлар ўзини ўзи бошқариш органи томонидан Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқармага берилади. У эса, уларни сайловчилар регистрида акс эттиради.

Сайловга 90 кун қолганида Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма Аҳоли регистридаги маълумотлар асосида Сайловчилар регистрга сайлов куни 18 ёшга тўладиган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар

ҳақидаги маълумотларни киритади. Сайловчилар регистрида ҳар бир сайловчи ҳақида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

(1) Аҳоли регистридан:

- а) шахсий коди (ёки сайловчининг коди);
- б) туғилган санаси;
- в) исми, фамилияси;
- г) фуқаролиги;
- е) шахсни тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар;
- ж) турар жой манзили.

(2) Ўзини ўзи бошқариш органларидан ахборот олинганидан ва унга ишлов берилганидан кейин – сайловчининг сайлов участкаси ҳақидаги маълумотлар (сайлов участкаси рақами ва манзили, сайловчининг участка рўйхатидаги тартиб рақами);

(3) Сайловчининг илтимоси билан – агар сайловчи почта орқали овоз бериш тўғрисида ариза берган бўлса, овоз бериш учун ҳужжатлар юборилиши лозим бўлган хориждаги ёки қамокда сақлаш жойидаги манзили.

Сайловчилар регистрида қўшимча равишда сайловчини регистрга киритиш ёки ундан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади, шунингдек регистрга тегишли сайловда номзоди кўрсатилганлиги ҳақидаги маълумотлар киритилади. Аҳоли регистрини тузганда унинг ёрдамида айнан бир номзод номзодларнинг бир неча рўйхатига кириб қолмаслигини назорат қилиш назарда тутилган. Бугунги кунда Сайловчилар регистрининг ушбу вазифаси ўз долзарблигини йўқотган. Чунки номзодлар рўйхатини тузиш учун Марказий сайлов комиссиясининг номзодлар рўйхатини тузиш тизимидан фойдаланилади. У онлайн режимида ишлайди ва рўйхатлар тузилган вақтда битта номзоднинг бир нечта рўйхатда бўлишининг олдини олади.

Регистр яратилганда, сайловга камида 75 кун қолганда Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма ҳар бир сайлов участкасининг сайловчилар дастлабки рўйхатини тайёрлайди. Участка сайловчилари рўйхатига ушбу турар жойи участка ҳудудидаги манзилига тегишлилигини тасдиқлаган барча сайловчилар киритилади. Сайловчилар рўйхатларига турар жойини тасдиқламаган сайловчилар ҳам киритилади. Бундай сайловчилар тасдиқланган сўнгги турар жойи мувофиқ келадиган участка сайловчилари рўйхатига киритилади. Хорижда турар жойини кўрсатиб тасдиқлаган сайловчиларни хорижда яшайдиган сайловчилар рўйхатига киритилади.

Европарламент сайловида Латвияда бўлган ва Европа Иттифоқида иштирок этувчи мамлакатлар фуқаролари ҳам Латвияда овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу сайловчилар Латвияда овоз бериш хоҳиши ҳақида Марказий сайлов комиссиясига сайловга камида 30 кун қолганда хабар беришлари лозим ва бундай фуқароларни сайловчилар рўйхатига Марказий сайлов комиссияси киритади.

Сайловга камида 70 кун қолганида Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма ҳар бир сайловчига почтадан Латвиядаги турар жойи манзилига сайлов участкаси ҳақидаги ахборотни йўллайди. Ахборот сайловчининг исми, фамилияси, шахсий коди, участкасининг рақами ва манзили ҳамда унинг участка рўйхатидаги тартиб рақамидан, шунингдек, мазкур хат овоз беришнинг муҳим шартлари ҳақидаги ахборотни, масалан, участка иш вақти, овоз бериш қўшимча шароитлари, сайловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар, маълумот учун телефон рақами, Марказий сайлов комиссиясининг уй саҳифаси ва электрон почтаси манзилидан иборат. Бундай ахборот олмаганлик сайловчи тегишли турар жойи бўйича сайлов участкасида рўйхатга олинмаслиги мумкинлигидан далолат берувчи белги ҳисобланади.

Агар сайлов тўғрисидаги ахборот у ёки бу сабабларга кўра йўқотилган бўлса, сайловчилар сайлов участкасини аниқлашда электрон хизматидан (Интернетда онлайн режимдан) фойдаланган ҳолда ўз исми, фамилияси ва шахсий кодини белгиланган майдонларга ёзиб, сайлов участкаси рақами ва манзилини, шунингдек участка сайловчилари рўйхатидаги тартиб рақамини билса бўлади. Мазкур хизматни Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма таъминлайди ва сайловчилар регистри тўғрисидаги қонунга биноан, у сайловга камида 70 кун қолганида ундан фойдаланиш учун очик бўлиши лозим. Шундай қилиб, сайловчилар электрон рўйхатидан Латвияда сайловчилар ва сайлов комиссиялари вакиллари фойдалана олади. Ундан сайловчиларни қайси участкада овоз беришлари лозимлиги ҳақида хабардор қилиш учун фойдаланилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясига ахборот телефони орқали мурожаат қилиб, қайси участкада овоз бериш зарурлигини аниқлаш ёки сайловчиларни рўйхатга олиш, ёки овоз бериш тартиби тўғрисида савол бериш мумкин. Ахборот телефони Марказий сайлов комиссияси ва сайловчилар ўртасидаги алоқа сифатда ишлайди. У сайлов маъмуриятига ўз вақтида сайловчиларни рўйхатга олиш камчиликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Сайлов тўғрисидаги ахборот сайловчиларга юборилганида Марказий сайлов комиссиясининг ахборот кампанияси ҳам бошланади. Кампаниянинг мақсади – сайловчиларни хабарлар юборилганлиги ҳақида хабардор қилиш, бириктирилган участка овоз бериш учун қулай эканлигига ишонч ҳосил қилишга, ўз вақтида даъват қилиш ва зарурат бўлганда участкани алмаштириш кампания доирасида Марказий сайлов комиссияси телевидение ва радио учун ахборот клиплари яратади, интернет ва ижтимоий тармоқларда, уй саҳифасида ахборот жойлаштиради, пресс-релизлар тарқатади ва оммавий ахборот воситаларига интервьюлар беради. Европарламент сайловида Марказий сайлов комиссияси хатларни Европа Иттифоқида иштирок этувчи мамлакатларнинг Латвияда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларига ҳам юборади. Ушбу ахборот Европа Иттифоқида иштирок этувчи мамлакатлар фуқароларининг тилларига таржима қилинади.

Участкани алмаштириш ҳуқуқидан сайловга 25 кун қолгунга қадар фойдаланиш мумкин. Участкани алмаштирганлиги ҳақида сайловчилар исталган ўзини ўзи бошқариш органида, 2013 йилги маҳаллий сайловдан бошлаб онлайн режимида, электрон хизматидан фойдаланиб ҳам баён қилиши мумкин. Европарламент сайловида сайловчилар Латвиядаги ҳар қандай участкани танлаш ёки хориждан туриб почта орқали рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга. Ўз навбатида, маҳаллий сайловда сайловчи дастлаб рўйхатга олинган ўзини ўзи бошқариш органи доирасида участкани алмаштириш ёки участкани сайловчига тегишли кўчмас мулк қонуний тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзини ўзи бошқариш органга алмаштириши мумкин.

Сайловчилар рўйхати яратилганидан ва хабарномалар сайловчиларга тарқатилганидан кейин Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма Сайловчилар регистрида ва Аҳоли регистрида фуқаролар кўрсатган ноаниқликларни тўғрилаб қўйиш имконига эга. Сайловчилар регистрини яратиш бошланганида сайловчилар томонидан бериладиган ахборотга нисбатан ўз вақтида ва сансалорлик қилмасдан чоралар кўриш, айниқса, муҳимдир. Сайловчилар регистри жорий этилганлиги туфайли Аҳоли регистри маълумотлари тартибга солинди. Масалан, сайлов тўғрисидаги хабарномаларни олиб, хонадон ёки уй эгаси унинг мулкига ҳалигача мазкур манзил бўйича яшамайдиган қандайдир сайловчилар рўйхатга олинганлигини билиб қолган. Сайловчилар регистри жорий этилганлиги туфайли Манзиллар давлат регистри маълумотларига ҳам аниқликлар киритилди.

Участкани алмаштириш муддати тугаши билан Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма марказлаштирилган ҳолда участкалар сайловчилари рўйхатларини қоғоз вариантыда тайёрлайди ва қонунда белгиланган муддат – сайловга 15 кун қолганида участкалар сайловчилари рўйхатларини чоп эттиради. Сайловчилар рўйхатлари мазмуни ва шаклини Марказий сайлов комиссияси тасдиқлайди ва улар Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма билан ҳамкорликда республика миқёсидаги шаҳар ва ўлкалар сайлов комиссияларига тарқатилади, улар эса сайлов участкаларига етказди.

Сайловга 10 кун қолганида участкасини алмаштирган сайловчиларга Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма рўйхатга олинган сайлов участкаси ҳақида такрорий ахборотни қўшимча тарзда юборади. Айни вақтда сайловга рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги хабарномалар сайловчилар дастлабки рўйхати яратилганидан кейинги вақтда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларга ҳам юборилади.

Латвияда сайловчилар рўйхатига сўнгги ўзгаришлар сайловга 5 кун қолганида киритилади. Фуқаролик ва миграция ишлари бўйича бошқарма Латвия Марказий сайлов комиссиясига сайлов комиссияларига юборилган участка сайловчилари рўйхатига киритилган, лекин рўйхатлар тарқатилганидан кейин сайлаш ҳуқуқини йўқотган ёки қўлга киритган шахслар ҳақида ахборот йўллайди. Марказий сайлов комиссияси ушбу ўзгаришлар ҳақида

тегишли участкаларнинг комиссияларини хабардор қилади. Улар эса ўзларидаги сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритади.

Сайловчилар регистрига киритилган маълумотлар сайловдан кейин тўп-ланиб, норматив ҳужжатларда белгиланганидек, Латвия давлат архивига топширилади ёки йўқ қилинади. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, шахсни Сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисидаги қарор, шахсни Сайловчилар регистрига киритишни ёки ундан чиқариб ташлашни рад қилиш устидан маъмурий судга шикоят қилиш мумкин.

### **Сайловчилар электрон регистрининг афзалликлари**

Латвияда Сайловчилар электрон регистрдан фойдаланишнинг ўн йиллик тажрибаси унинг афзалликлари тўғрисида бир неча хулосалар чиқариш имконини беради:

1) Сайловчилар электрон регистри тегишли сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилишини таъминлайди;

2) сайловчилар ва сайлов маъмурияти сайловчи қайси сайлов участкаси сайловчилари рўйхатига киритилганлигини тез, аниқ вақт режимида, аниқлаш имконига эга;

3) бундай регистр ҳар бир сайловчи сайловчилар рўйхатига фақат бир маротаба киритилганлигига ишонч ҳосил қилиш имконини беради ва сайлов куни сайловчилар рўйхатини тўлдиришни истисно қилади;

4) муаммолар бўлган тақдирда сайловчини рўйхатга киритиш/ундан чиқаришни кузатиш имкони бор, чунки электрон тизим регистрда амалга оширилган ҳаракатларнинг бутун тарихини тўплайди;

5) Сайловчилар электрон регистри сайловчилар қулайлиги учун турли электрон хизматлар жорий қилиш имконини беради. Латвияда бу – участкани алмаштириш электрон хизматлари, онлайн режимида ўз сайлов участкасини аниқлаш имкони, шунингдек овоз бериш учун чет элдан почта орқали электрон тарзда рўйхатдан ўтиш;

6) Сайловчилар электрон регистри сайловчилар узоқда бўлганида участкани алмаштириш электрон хизмати асоси ҳисобланади. Онлайн режимида бошқа сайлов участкасида овоз бериш учун рўйхатдан ўтиш мумкин;

7) Сайловчилар электрон регистри эҳтимоли бўлган шикоятлар сонини камайтиради, чунки сайловчилар рўйхати аниқлиги учун масъулият сайловчилар зиммасида бўлади.

### **Сайловчилар электрон регистрининг келгусида қўлланилиши**

Марказий сайлов комиссияси келгусида Сайловчилар электрон регистрининг амал қилиш доирасини кенгайтиришни режалаштирган. Яъни Сайловчи-



лар электрон регистри доимий асосда ишлайди ва ундан парламент сайловида ва референдумларда фойдаланилади. Бугунги кунда Марказий сайлов комиссияси ушбу режалари бўйича парламентда мунозаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Айни вақтда 2017 йил маҳаллий сайловига тайёргарлик кўриб, участкани алмаштириш хизмати сўнгги муддатини йигирма беш кундан етти кунгача қисқартириш режалаштирилмоқда. Шу тариқа сайловчиларга режалаштирган ишлари ёки сайлов кундаги тадбирларига мувофиқ, участкани танлаш учун кўпроқ имконият берилади. Участка сайловчилари рўйхатларини чоп этиш марказсизлантиришни амалга ошириб ва буни ўзини ўзи бошқариш органлари сайлов комиссияларига топшириб, ушбу муддатни қисқартириш мумкин.

Бундан ташқари, бугун сайлов участкаларида сайловчиларни рўйхатга олиш онлайн тизимини яратиш тўғрисида мунозара бошланган. Бу сайловчиларга сайлов куни ўз танлови бўйича округининг исталган сайлов участкасида овоз бериш имконини беради ва айни вақтда «бир сайловчи – бир овоз» тамойилини таъминлайди.

**Шерзод ХАБИБУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Маркази директори

## САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРДА «ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ»

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан замонавий технологияларни янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти барча тармоқларига ва ҳаёт соҳаларига кенг жорий қилиш, ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқлари тез суръатларда ривожланишини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кенгайишини рағбатлантириш вазифаси қўйилган. Электрон ҳукумат тизими фаол ривожланмоқда ва татбиқ этилмоқда.

Электрон ҳукумат тизими яратилиши қуйидаги эҳтиёжларни қондириш билан изоҳланади:

- Давлат томонидан фуқарога тақдим этилаётган электрон хизматлар кўрсатилиши (G2C, Government To Citizen);
- Давлат томонидан бизнесга тақдим этилаётган электрон хизматлар кўрсатилиши (G2B, Government To Business);
- Давлат органларига ахборот билан алмашиш учун майдонча берилиши (G2G, Government To Government).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон Қарорига мувофиқ, 2013–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланди. У иккита таркибий қисмга бўлинади: Телекоммуникация технологиялари, тармоқ ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича дастур (17 та лойиҳа) ва Электрон ҳукумат комплекс ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича лойиҳалар ва тадбирлар (28 та лойиҳа). Мазкур дастур ва лойиҳалар татбиқ этилиши вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда ҳамда молиялаштиришнинг турли манбалари (ўз маблағлари, грантлар, жамғармалар ва ҳ.к.) ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1989-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги қарори билан давлат муассасаси шаклида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Маркази тузилди.

«Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Маркази фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– «Электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш стратегик йўналишларини, шу жумладан жаҳон тенденциялари ва хорижий мамлакатларнинг тажрибасини таҳлил ва тадқиқ қилиш асосида ишлаб чиқиш;

– давлат органларида фойдаланадиган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш ва интеграциялашувнинг келишилган механизмини, «Электрон ҳукумат» тизими лойиҳалари амалга оширилишининг норматив-услубий таъминоти ташкил этилишини назарда тутадиган «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришда ягона технологик ёндашувни таъминлаш;

– давлат органлари фаолиятининг функционал ва операцион жараёнлари тизимли қайта ташкил этилишини, давлат хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ бизнес жараёнлари инновацион механизмларини оптималлаштириш, такомиллаштириш ва жорий қилиш бўйича таклифлар тайёрланишини ташкил қилиш;

– «Электрон ҳукумат» тизимини самарали татбиқ этиш учун амалдаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича мақсадли таҳлил ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш;

– ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниши ва ривожланиши ҳолатининг тизимли мониторингини, баҳоланишини ўтказиш, шу жумладан ахборот тизимлари ва ресурслари жорий қилиниши самарадорлигини ўрганиш, «Электрон ҳукумат» тизими доирасида давлат органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилиниши самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини юритиш;

– интерфаол давлат хизматлари кўрсатиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги асосий кўрсаткичларини аниқлаш услубиётини ишлаб чиқиш, «Электрон ҳукумат» тизими доирасида лойиҳалар амалга оширилиши мақсадли индикаторлари ва кўрсаткичларини белгилаш.

Шундай қилиб, сайловчиларни рўйхатга олиш долзарб масалалари қаторида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича самарали ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Жамшид ҚЎЧҚОРОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари*

## **САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШУВИ**

Мустақил бўлганимиздан кейин биз иккита асосий принципга таянишимизни эълон қилдик.

Биринчидан, – ва бу асосийси – амалга оширилаётган ислохотларда махсус миллий ва минтақавий шароитларни ҳисобга олиш ва акс эттириш уларнинг муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёга очик ва биз сайёрамизда юз бераётган жараёнларни яхшироқ, чуқурроқ англашга ҳаракат қиламиз. Биз ривожланган мамлакатлар моделлари хусусиятларини катта диққат билан ўрганмоқдамиз ва жаҳон амалиётида тўпланган энг яхши тажрибадан фойдаланишга интиламиз.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 64-моддасига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 48-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида сайловларни молиялаштириш фақат давлат, яъни давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва ўзгача моддий қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясининг молиялаштирилиши ҳам давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Таъкидлаш лозимки, бу халқаро амалиётда кам учрайдиган ҳолатдир.

Шу билан бирга, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар ихтиёрий равишда ўз маблағларини сайлов ўтказиш учун топширишлари мумкин. Бу маблағлар сайлов кампанияси мобайнида фойдаланиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади.

Шунга ўхшаш нормалар сайлов соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилган: Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқалар.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида тенг шароитлар ва имкониятлар яратишга, фуқаролар сайлов ҳуқуқларини,

хоши-иродасини эркин билдиришни, сайлов комиссиялари фаолияти шаффофлигини ишончли таъминлашга, сайлов амалиётига сайловолди ташвиқоти ўтказишнинг янги шакллари, усуллари ва шарт-шароитларни жорий қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмлари самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларга ўзгартишлар киритилди.

Қабул қилинган қатор янги нормалар сайлов кампаниясини молиялаштириш маблағлари мақсадли келиб тушиши ва сарфланишини таъминлаш бўлида муҳим аҳамият касб этди ва давлат бюджетининг ғазначилик ижроси шароитида сайлов кампанияси молиялаштирилишининг сифат жиҳатидан янги механизмини яратди. Айнан улар келгусида Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган сифатида сайловларни юксак даражада ўтказиш имконини берди. Бу аксарият халқаро ташкилотлар ва хорижий кузатувчиларнинг баҳоларида таъкидланди.

Сезиларли янгилик шундан иборатки, Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий орган сифатидаги мақомидан келиб чиққан ҳолда (Конституцияга 2014 йил 16 апрелда киритилган тўзатишлар) унинг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссияси фаолиятига оид маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан алоҳида сатр билан назарда тутилади. Бу норма нафақат «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда, балки Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексидан мустақамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 70-моддасига киритилган ўзгартишларга асосан Марказий сайлов комиссиясининг сайлов ва референдумларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича харажатлари, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини, округ ва участка сайлов комиссияларининг молиялаштирилиши республика бюджетидан амалга оширилади.

Қонунчиликдаги ўзгартишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги 618-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»<sup>1</sup>ги янги Йўриқнома тасдиқланди .

Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги 661-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома янги таҳрирда тасдиқланди (2007 йил 18 сентябрда Марказий сайлов комиссиясининг 319-сон қарори билан қабул қилинган).

---

<sup>1</sup> [http://www.elections.uz/ru/events/legal\\_acts/3268/](http://www.elections.uz/ru/events/legal_acts/3268/)

Бюджет кодекси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага асосан Марказий сайлов комиссияси харажатлар сметасини тасдиқлади.

Айни вақтда сайлов кампаниялари борасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши шарт-шароитлар яратиш назарда тутилди. Хусусан, барча харажатлар Марказий сайлов комиссиясининг Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган ягона ғазначилик ҳисоб рақами орқали амалга оширилди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастури ўз вақтида қабул қилинганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Харажатлар сметасига мувофиқ, 135 та сайлов округи ва 9060 та сайлов участкаси (шу жумладан, 36 хорижий давлатдаги 44 та сайлов участкаси) ягона сайлов белгилари билан таъминланди. Бунда барча округ ва участка сайлов комиссиялари марказлаштирилган тарзда ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларидаги қонун ҳужжатлари билан таъминланди.

Шунингдек, фуқароларга, авваламбор, биринчи марта овоз берувчиларга сайлов қонунчилиги асосий қоидаларини тушунтириш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий босқичлар ҳақидаги ижтимоий телероликлар, ўқув фильмлари, плакатлар тайёрлаш Марказий сайлов комиссияси орқали молиялаштирилди.

Республика Матбуот маркази ва жойлардаги матбуот марказларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти ҳам Марказий сайлов комиссияси орқали молиялаштирилди. Бу ишни самарали ташкил қилиш ҳамда аккредитациядан ўтган миллий ва хорижий журналистларни зарур ахборотлар билан таъминлаш жамоатчиликни кенг хабардор қилиш имконини берди.

Молия вазирлиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари раислари, бош ҳисобчилар ва ҳокимликларнинг ташкилий-назорат бўлимлари ходимлари учун семинар-тренинглари ўтказилди (2014 йил 15 октябридан 20 ноябрига қадар). Тадбирларнинг асосий мақсади Бюджет кодекси, қонунлар ва Марказий сайлов комиссиясининг йўриқномалари қоидаларини тушунтириш ва тўғри ҳуқуқни қўллашни таъминлашдан иборат эди.

Молия вазирлиги Ғазначилиги ходимларига, сиёсий партиялар раҳбарлари ва молия ходимларига тренингларида сайлов молиялаштирилиши хусусиятлари ва сайлов тадбирларига давлат бюджети маблағлари ажратилиши механизми тушунтирилди (2014 йил 30 октябридан 10 ноябрига қадар).

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Сайлов ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузганлик» деб номланган 518-модда тўлдирилганлиги сабабли, барча

иштирокчилар ушбу соҳадаги янги нормалар ва маъмурий жавобгарлик чоралари ҳақида хабардор қилинди.

Сайлов жараёни иштирокчилари билан семинарлар ўтказилиши, шу жумладан молиялаштириш тартиботлари ва ажратилган маблағлардан фойдаланиш масалалари бўйича зонал семинарлар ўтказилиши, уларни услубий қўлланмалар ва материаллар билан таъминлаш уларнинг уюшқоқлиги даражасини, қонунчилик нормаларини ижро этиш самарадорлигини ошириш имконини берди (2014 йил 20 октябрдан 10 ноябргача ва 9–15 декабрь кунлари).

Амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, муҳим вазифалар ҳақида гапирганда таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясида бошқа молиявий маблағлардан ноқонуний фойдаланишга, сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнига ноқонуний аралашинишга йўл қўймаслик мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ва амалий чоралар кўрди. Хусусан:

**Биринчидан**, Марказий сайлов комиссияси номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ўтказилишининг давлат томонидан молиялаштирилишини таъминлади ва 2014 йилда шу мақсадда аввалги сайловларга қараганда 4 маротаба кўпроқ маблағ ажратилди (1,2 млн.сўмдан 4,8 млн.сўмгача). Бу эса номзодларнинг сайловолди ташвиқотининг барча турлари ва шаклларида фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар бир рўйхатга олинган депутатликка номзодга (535) Молия вазирлиги Ғазначилиги назоратидаги алоҳида ҳисоб рақамларига давлат маблағлари ўтказилди. Ҳар бир партия мустақил равишда сайлов кампанияси давомида зарур босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, ташвиқот варақалари ва бошқа материаллар) марказлаштирилган ҳолда тайёрланишини таъминлади.

**Иккинчидан**, давлат томонидан Марказий сайлов комиссияси ишлаб чиққан ягона шаклда, муайян талаблар изоҳланган ҳолда:

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлари, шунингдек уларнинг бир хил эълон қилиниши тавсия этилди;

– сайлов кампанияси давомида зарур босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материаллари (плакатлар, ташвиқот варақалари ва бошқа материаллар).

**Учинчидан**, Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари ва парламент депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар ОАВда ўз ташвиқоти учун тенг имкониятларга эга бўлди. Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида давлат теле- ва радиоканалларида ҳар ҳафтада текин асосда сиёсий партияларнинг вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишлари белгиланган жадвалга риоя этган ҳолда амалга оширилди.

**Тўртинчидан,** таъкидлаш жоизки, ЕХХТ ДИИХБ, ИХРТ тавсияларини бажариш бўйича ҳам чоралар кўрилди. Жумладан, сиёсий партиялар ва сайлов кампанияларини молиялаштириш тартибини бузганлик ҳамда сиёсий партияларнинг молиявий ҳисоботини эълон қилиш мажбуриятига риоя этмаганлик учун жавобгарлик ва самарали таъсир чоралари киритилди.

Хусусан, 2014 йил 4 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тузатишлар киритилди. Уларга биноан сайлов ва референдум ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик жорий этилди. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси «Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш» деб номланган 51<sup>8</sup>-модда тўлдирилди.

**Бешинчидан,** «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунда Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари, ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилганлиги Марказий сайлов комиссияси аъзолари кимгадир тобелигининг олдини олишга хизмат қилади. Амалдаги тажрибадан келиб чиққан ҳолда бу ўз вақтида киритилган нормалардан бири ҳисобланади.

Албатта, бундай қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини янада мустаҳкамлашга ва унинг ҳар қандай давлат органи олдидаги молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

**Олтинчидан,** давлат бюджети ғазначилик ижросини ҳисобга олган ҳолда сайлов кампаниясини молиялаштириш бўйича барча операциялар Молия вазирлиги Ғазначилиги назоратида эди. У томонидан сайлов кампаниясига маблағлар сарфланишининг дастлабки ва жорий назорати амалга оширилди. Кейинги ва якуний назорат Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан ўтказилди. Унинг натижалари кўрсатганидек, давлат бюджетидан сайлов кампаниясини молиялаштиришга ажратилган маблағлардан ўз вақтида, мақсадли ва самарали фойдаланилган.

Ҳаёт доимий равишда ривожланиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Чунки сайлов жараёни давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси (70-моддаси)га, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун (8-моддаси)га қатор ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 70-моддасини «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов, шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича кон-



ференцияси бюджет маблағлари ҳисобидан ўтказилади», деган норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасида: «Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини давлат томонидан молиялаштирилиши тартибини Марказий сайлов комиссияси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилайди», деган нормани назарда тутиш таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, сайловларни молиялаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ишларини давом эттиришимиз зарур. Масалан, ҳозирги вақтда қуйидаги жараёнларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш зарур:

- харажатлар сметасини тузиш, келишиш ва тасдиқлаш;
- сайловларни, айниқса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларни молиялаштиришнинг аниқ тартиби;
- сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар ва алоҳида номзодларнинг давлат томонидан молиялаштириш талаб этиладиган харажатлар турларининг аниқ рўйхати;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрияларини ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби;
- такрорий овоз бериш, такрорий сайлов, бўшаб қолган ўринларга депутатлар (Сенат аъзолари) сайловини ташкил қилиш тадбирларини молиялаштириш тартиби;
- сиёсий партиялар ва ушбу партиялардан кўрсатилган номзодларни молиялаштиришни фарқлаш, партияларнинг харажатлари ва ҳисоботлардаги алоҳида номзодлар тўғрисидаги маълумотларни ажратиш;
- сайлов ташкил қилиш ва ўтказишда сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар)ни соддалаштирилган тартибда тендер ўтказмасдан сотиб олиш имконияти;
- сиёсий партияларнинг устав фаолиятини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан амалга оширилган дастлабки харажатларини сайловда иштирок этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қондириш тартиби;
- молиялаштириш шаффофлигини таъминлаш, сиёсий партиялар ҳисоботларини эълон қилишнинг аниқ муддатларини белгилаш.

Таклиф этилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши сайлов кампанияси ўз вақтида молиялаштирилишини, бу билан боғлиқ ташкилий масалалар, шу жумладан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказишда ҳал этилишини, сайлов комиссиялари ва сиёсий партиялар томонидан сайлов мобайнида ташкилий масалалар ечилишини таъминлайди, шунингдек сайлов жараёни шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

**Муҳаммад НАЗАРОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси*

## **САЙЛОВ ТЎҒРИСИДАГИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш ва фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларининг муҳим шакли ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда изчил ислохотлар ўтказилиши натижасида умумэтироф этилган халқаро стандартларга ва юксак демократик талабларга мувофиқ сайлов тизими шаклланди, фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди.

Конституциявий орган – Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг яратилган яхлит мустақил тизими ҳокимият вакиллик органларига сайловга самарали тайёргарлик кўриш ва уни кўппартиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва сайлов қонунчилиги талабларига ҳамда халқаро нормаларга риоя қилган ҳолда очиқлик ва ошқоралик шароитида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказишни таъминламоқда.

Шу билан бирга, эркин ва демократик сайлов ўтказилишини сайлов қонунчилиги талабларига қатъий риоя қилмасдан таъминлаб бўлмади. Сайлов ўтказилишини тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларга риоя қилмаслик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузиши, сайловчиларнинг хоҳиш-иродаси ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шу тариқа мазкур соҳадаги юридик жавобгарлик чоралари у ёки бу шаклда сайловда иштирок этаётган кенг доирадаги ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатишга даъват этилган. Улар сирасига оддий сайловчилар бўлган фуқаролар ҳамда махсус субъектлар ҳисобланган номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайлов комиссиялари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари киради.

Сайлов қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик авваламбор Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланади.

Масалан, Асосий Қомусимиз 32-моддасига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади». Конституциянинг XXIII бобида Ўзбекистон Республикаси

сайлов тизимининг асослари мустаҳкамлаб қўйилган, сайлов ўтказиш асосий қоидалари, Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари белгиланган.

Сайлов тизими тўғрисидаги конституциявий қоидалар «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда батафсил ривожлантирилган. Санаб ўтилган қонун талабларига риоя қилмаслик ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик жавобгарлик чоралари қўллаш учун асос бўлиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сайлов ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун узоқ вақт мобайнида фақат жиноий жавобгарлик назарда тутилган эди. 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонунда назарда тутилган конституциявий тузатишларни амалга ошириш қонунчилик механизларини яратиш комплекс чора-тадбирлар доирасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов қонунларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайдиган қўшимчалар киритишга қарор қилинди.

Шундан келиб чиққан ҳолда 2014 йил 4 сентябрдаги Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс сайлов ва референдум ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган саккизта моддадан иборат V<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди.

Хусусан, ушбу бобнинг алоҳида моддаларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятига аралашганлик, шунингдек уларнинг қарорларини ижро этмаслик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Бошқа моддаларда номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик, шунингдек сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бундан ташқари Қонунда:

- номзод сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотлар тарқатиш;
- ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш;
- сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузганлик;
- жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Сайлов ва референдум ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида санаб ўтилган қоидабузарликлар содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари бел-

гиланганлиги фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари, ҳар бир кишининг давлат ҳокимияти вакиллик органига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг кўшимча кафолати бўлди.

Шу билан бирга янги нормалар Марказий сайлов комиссиясининг мустақиллигини янада кучайтиришга, сайлов жараёни қонунийлигини изчил оширишга хизмат қилди.

Судлар томонидан фуқаролар сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ушбу ҳуқуқлар ҳимоясининг муҳим кафолати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида назарда тутилганидек, «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади».

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245-моддасига биноан V<sup>1</sup> бобга (51<sup>2</sup>–51<sup>9</sup>-моддалар) киритилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги барча ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади. Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ҳамда суд процесси доирасида махсус мураккаб тартиботига риоя қилиб, уларнинг самарали ҳимоясини таъминлаш мақсадида сайлов ва референдум ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг умумий юрисдикция судларига тегишлилиги белгиланган.

Мазкур тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни суд томонидан кўриб чиқиш муддатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Одатда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқишга ваколатли орган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга тааллуқли бошқа материаллар олган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда кўриб чиқилади.

Сайлов ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатларига зудлик билан таъсир чоралари кўриш заруратини ҳисобга олган ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 305-моддаси иккинчи қисмида сайлов ва референдум ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг қисқартирилган суткалик муддати белгиланган.

Мазкур судга маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тегишли бўлмаганда ёки иш белгиланган тартибни бузиб юборганда у баённома тузган ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарган органга қайтарилиши мумкин. Бунда аниқланган камчиликларни бартараф этишга сарфланган вақт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш суткалик муддатининг ўтиб боришини тўхтатиб қўймайди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти» 22-сон қарори 4-бандида тегишли тушунтириш берилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга юқорида кўрсатилган ўзгартишлар киритилганидан эътиборан иккита сайлов кампанияси бўлиб ўтди:

- 2014 йил сентябрь-декабрь ойларида – Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов;
- 2014 йил декабрь – 2015 йил март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови.

Мазкур даврда судлар томонидан сайлов ва референдум ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тўртта иш кўрилди.

Кўриб чиқилган ишлар Марказий сайлов комиссияси, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятига аралashiш (МЖТК 51<sup>2</sup>-моддаси), номзод, ишончли вакил, кузатувчи ёки сиёсий партиянинг ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузганлик (МЖТК 51<sup>4</sup>-моддаси), шунингдек сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ахборот ва ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиш ёки уларга қасддан шикаст етказиш (МЖТК 51<sup>7</sup>-моддаси) билан боғлиқ эди.

Масалан, Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Истиқлол» деҳқон бозори ходими Ж. Юсупов 2015 йил 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли акс этган плакатлардан ёнғин хавфсизлиги бўйича материаллар тайёрлаш учун фойдаланган. Ушбу ҳаракатлар сайлов ўтказиш учун мўлжалланган ахборот-ташвиқот материалларига шикаст етказишга сабаб бўлган. Суд томонидан Ж. Юсупов Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51<sup>7</sup>-моддасида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилди ва унга энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида жарима солинди (592 минг сўм).

Юқорида келтирилган ва шунга ўхшаш мисоллар кўрсатганидек, судлар томонидан сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиши сайлов ҳуқуқларининг муҳофазасига ва жиний жавобгарлик чоралари қўллагасдан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда. 2014 йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва жойлардаги вакиллик органларига сайловда сайловчилар умумий сонининг 89 фоизи иштирок этгани фуқаролар томонидан сайлов тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ижобий қабул қилинаётгани ва қўллаб-қувватланаётганидан дарак бермоқда.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга сайлов ва референдум ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган ўзгартишлар киритилганлиги мамлакатимиз томонидан танланган суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини янада тўлиқроқ таъминлаш йўлида навбатдаги қадам бўлди. Бу сўзсиз сайлов ўтказишда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга, Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини мустаҳкамлашга ва умуман, миллий сайлов тизimini такомиллаштиришга хизмат қилади.

*Дилором ФАЙЗИЕВА,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати*

## **САЙЛОВ ТИЗИМИ – ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА**

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаган ҳолда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва модернизациялаш бўйича амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар миллий сайлов тизимининг халқаро даражада демократик принциплар ва нормаларга мос келадиган норматив-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Республикамизда Конституция асосида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловнинг самарали норматив-ҳуқуқий негизи амал қилмоқда.

Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият бўлган ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлида изчил одимлаётган Ўзбекистон хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутадиган асосий халқаро шартномаларнинг тарафдори ҳисобланади. Улар сирасига БМТнинг «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги (CEDAW) ва «Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида»ги, Халқаро меҳнат ташкилотининг «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш тўғрисида»ги конвенциялари киради.

Бугунги кунда хотин-қизлар мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Асосий Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганидек, аёллар барча сайловларда овоз бериш, сайланадиган органларга сайланиш, ҳукумат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, давлат лавозимларини эгаллаш, нодавлат ноҳукумат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда белгиланганки, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

Умуман олганда, бугунги кунда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик шаклланган, бу соҳада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги вакиллигини кенгайтириш бўйича ҳам муайян натижаларга эришилган, уларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси анча ошган. Сайлов тизимининг халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ такомиллашуви депутатликка номзод аёллар учун қонунда квота ортиши билан уларнинг

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини анча кенгайтди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик нормалари ривожланиши уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳоли, айниқса аёллар билан ишлайдиган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг малакасини ошириш аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришни талаб этади. Хотин-қизларнинг фаоллигини оширишда кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, оилани мустаҳкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий имкониятларни аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, профессионал коллежлар битирувчилари, қизлар ва аёллар иштирокида янада кенгайтириш масалалари бўйича барча сиёсий партиялар томонидан амалга оширилаётган мақсадли ижтимоий лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнги ўн йилликда хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки кенгайиши барқарор тенденцияси кузатилмоқда. Бу эса, умумжаҳон амалиётига тўғри келади. Хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш вазифалари муайян даражада тўртта сиёсий партияларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан аҳолининг турли қатламлари ўртасида ўтказилаётган ташвиқот-тарғибот тадбирлари доирасида ҳал қилинмоқда. Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг сафида хотин-қизларнинг сони тобора кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Сиёсий партиялар ўзлари депутатликка номзодлар кўрсатганида камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши қонун талабини бажариш учун мақсадли тадбир бўлмоқда. Бу аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий фаоллиги барқарор ўсишига, давлат ҳокимияти вакиллик ва бошқа органларида қонунан қафолатланган кенг иштирок этишига хизмат қилмоқда.

2009 йилда ўтказилган икки палатали парламент сайлови сиёсий партияларнинг хотин-қизларни депутатликка номзодлар сифатида кўрсатиш бўйича амалга оширган кенг фаолиятдан дарак беради. Сайлов натижаларига асосан хотин-қизлар парламент қуйи палатаси умумий таркибининг 22 фоизини ва юқори палатада 15 фоизини ташкил этган.

2014 йилги парламент сайловида кўрсатилган номзодлар орасида партиёга мансублиги бўйича хотин-қизлар қуйидагича тақсимланди: ЎзХДП – 34%, ЎзЛиДеП – 33%, «Миллий тикланиш» ДП – 31% ва «Адолат» СДП – 30%. Сайлов натижаларига кўра, парламент қуйи палатасига 24 нафар аёл депутат этиб сайланди ёки бу депутатлар умумий сонининг 16 фоизини ташкил этди. Сенат аъзолари орасида эса 17 нафар аёл бор ёки бу парламент юқори палатаси аъзолари умумий сонининг 17 фоизини ташкил қилади.

Сиёсий партиялар кесимида аёллар энг кўп ЎзЛиДеПдан сайланган, яъни бу мазкур партия депутатлари умумий сонининг 20 фоизини ташкил қилади, ЎзХДП – 19%, «Миллий тикланиш» ДП – 17%, «Адолат» СДП – 10%.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи таркибида бир аёл бор, яъни бу 7 фоизни ташкил қилади.

Вакиллик органларига сайлов натижаларига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг 23,5%, шунингдек туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг 22% хотин-қизлардир.

Хотин-қизларнинг сайлов жараёнларини бошқаришдаги фаоллиги ҳам ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Масалан, 2014 йил парламент сайловида ва 2015 йил президентлик сайловида хотин-қизлар округ сайлов комиссиялари аъзоларининг ўртача 20 фоизини ва участка сайлов комиссиялари таркибида 43 фоизни ташкил қилди.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини самарали татбиқ этишда хотин-қизларнинг маҳалла институти тизимидаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда фуқаролар йиғинларида жамоатчилик асосида 100 мингдан ортиқ маслаҳатчилар ишламоқда. Уларнинг аксарият қисмини хотин-қизлар ташкил қилади. Улар нафақат маслаҳатчилар, балки фуқаролар йиғинлари раислари сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда. Агар сўнгги йилларда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) сайловлари натижаларини таққосласак, хотин-қизларнинг фаоллигини яққол кўриш мумкин. Агар 2003 йил сайловида фуқаролар йиғинлари раислари этиб сайланганлар орасида хотин-қизлар сони 734 тани ёки 8,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 1 043 та ёки 11 фоиз, 2008 йилда – 1 160 та ёки қарийб 12,2 фоиз бўлган. 2013 йил ноябрь-декабрь ойларида 1 310 та хотин-қизлар (13,4%) бундай лавозимга сайланган. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари раислари маслаҳатчиларининг 30,8 фоизи хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида хотин-қизлар иштирокини кенгайтиришда яна бир амалий қадам бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, маҳаллий йиғинлар кенгашлари девонлари тузилмасига диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилди. Ҳозирги вақтда бундай лавозимлардаги хотин-қизлар сони 8 596 тани ташкил қилади. Хотин-қизларнинг бу борадаги, хусусан тегишли маҳалла ҳудудида яшайдиган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш соҳасидаги фаолияти сезиларли натижаларга эришишга хизмат қилади. Улар ташкил қилинадиган тадбирларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан хотин-қизларнинг давлат ва жа-



мият қурилишидаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш масалаларида ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш жиҳатлари муҳокама этилади. Ушбу масалаларни ўрганиш доирасида республика бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилади. Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражаси, ўз ҳуқуқлари ва имкониятлари ҳақидаги билимлари мажмуаси, шунингдек уларнинг амалий татбиқ этилиши ҳуқуқий билимлар даражасини баҳолаш мезонлари сифатида намоён бўлади.

Маълумки, давлат ва жамият бошқарувидаги демократик ўзгаришлар жараёни мамлакатда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий вазият ўзгарган, аҳолининг ижтимоий-ҳуқуқий маданияти юксалган, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошган сари доимий равишда чуқурлашиб боради. Давлат бошқарувидаги конституциявий ислохотлар фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар олдида хотин-қизларнинг жамоат ва давлат ишларида иштирок этиши даражасини ошириш бўйича янги талаблар қўймоқда.

Депутат хотин-қизларнинг касбийлиги ва сайловчилар манфаатларини кўзлаб амалий нуқтаи назардан ҳосил бўлган обрўси ва таниқлиги, парламент ва жамиятдаги кенг ва самарали фаолияти ўсиб келаётган авлод учун намуна вазифасини ўтамоқда ҳамда шахсларни жамият ва давлат ишларини бошқаришга жалб қилишга, шунингдек хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятидаги ролини оширишга хизмат қилмоқда.

**Жорж РАКЭН,**  
Тулуза шаҳри молия судининг фахрий  
вице-президенти (Франция)

## **СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎЗ ЭЛЕКТОРАТИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

Франция сиёсий партиялари ва француз сайловчилари ўртасидаги муносабатлар сўнгги бир неча йилларда учта асосий йўналишлар бўйича ривожланиб келган: (1) сиёсий партиялар ва кампанияларнинг молиялаштирилиши, (2) сиёсий партиялар аъзолари томонидан президентлик сайловида ўз номзодларини танланиши ва (3) гендер тенглигининг ўсиши ва айни вақтда хотин-қизларнинг сиёсатдаги сони кўпайиши.

1. Сўнгги 30 йилда сиёсий партиялар асосий манбаи ҳисобланган давлат томонидан молиялаштирилишига эга бўлди. Бу давлат кўмаги уларнинг сайловдаги натижаларига асосланади. Юридик шахслар, компаниялар, хусусий ёки (француз ёки хорижий) давлат муассасаларидан хайриялар тўлалигича тақиқланган. Сиёсий партиялар нафақат ўз аъзоларининг бадалларига таянади, балки хайрияларга ҳам боғлиқ. Бир жисмоний шахсга хайрия миқдори йилига 7500 евро билан чекланган.

Сиёсий партияларга давлат томонидан ажратилган молиялаштириш (фақат 2015 йилнинг ўзида 80 миллион евро) иккита мезонга боғлиқ. Биринчиси депутатлар сайланган сайловнинг биринчи тури натижаларига боғлиқ. Иккинчи қисми парламентга сайланган сиёсий партияларнинг салмоғига боғлиқ.

Сайловда номзодлар ўз харажатлар лимитига риоя қилишлари шарт. Улар сиёсий партия ажратганидан алоҳида давлат томонидан молиялаштиришга эга бўлиши мумкин. Давлат томонидан молиялаштиришни олиш учун номзодлар сайлов кампанияси махсус ҳисоб рақамида ўз харажатлари ва даромадларини кўрсатишлари шарт.

Сиёсий кампанияларни молиялаштиришга келадиган бўлсак, бу ерда ҳам лимит мавжуд ва у сайловда ҳар бир сайлов округидаги аҳоли сонига мувофиқ белгиланади. Хусусий шахслардан хайриялар йилига 4600 евро миқдорида чекланган. Телевидение ёки радиода эълонлар сиёсий кампаниялар вақтида тўлалигича тақиқланган ва бу жуда қимматдир. Президентлик сайлови учун номзодларнинг биринчи турдаги харажатлар лимити 10,6 млн. еврогача ва иккинчи турда 22,5 млн. еврогача миқдорда белгиланган. Америка Қўшма Штатларида, Бразилияда ёки Ҳиндистонда президентлик кампанияси нархи миллиард евродан ошади.

Чўнтак харажатлари учун товон пули олишда барча номзодлар, шу жумладан президентлик сайловидаги номзодлар кампания ҳисоб рақамларининг мустақил маъмурий орган сифатида Кампания ҳисоб рақамлари ва сиёсий молиялаштириш бўйича миллий комиссияга (сиёсий ташкилот эмас) кўрсатилишини таъминлаши шарт. Кампания ҳисоб рақамини тасдиқлаш,

ўзгартириш ёки ёпиш ушбу комиссия тасарруфидадир. Бу эса, сайловларнинг суд томонидан бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Президентлик сайловида кампания ҳисоб рақамини ёпиш қарори устидан Франциянинг Конституциявий судига (Олий судига) шикоят қилиш мумкин.

2013 йилдан бошлаб сиёсатчиларнинг янада шаффофлиги учун ҳукумат, парламент аъзолари ва рейтинги энг юқори бўлган 8 000 нафар жамоат арбоблари учун шахсий солиқ шакллари кўриб чиқилмоқда.

2. Ҳар бир партия президентлик сайловида номзод кўрсатиш учун иккита асосий партиядан бири дастлабки сайловни ташкил қилди. Ушбу дастлабки сайлов «ёпиқ дастлабки сайлов» бўлди. Чунки у фақат партия аъзолари ва тарафдорлари учун очик эди. Шундай қилиб, 2006 йилда учта номзод олтига дебатда ўзаро кураш олиб борди. Уларнинг учтаси ёзиб олиниб, телевидениенинг парламент каналидан трансляция қилинди. Дастлабки сайловда 61 фоиз (160 000) овоз олган номзод қарама-қарши тарафдаги номзод билан кураш олиб борди, лекин сайланмади. 2012 йилда олтига номзод ҳуқуқий лаёқатли сайловчиларга «очик» праймеризда рақобатлашди. Дастлабки сайловда 2,8 миллион овоздан иборат кўпчилик овозни олган номзод Франсуа Олланд Франциянинг амалдаги президенти Николя Саркози билан тортишди ва президентлик сайловида ғалаба қозонишгача борди.

2017 йил май ойида бўлиб ўтадиган кейинги президентлик сайлови учун асосий партиядан бири томонидан ҳам биринчи маротаба ўз номзодининг дастлабки сайлови ташкил этилади.

3. Ва ниҳоят, сўнгги бир неча йиллардаги қатор чоралар эркаклар ва хотин-қизларнинг сиёсий лавозимга нисбатан тенглигига шароит яратди. Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштирокини кенгайтириш бўйича қабул қилган чора-тадбирлар сингари (яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси конференциясида кўрсатилганидек), Франция парламенти 2010 йилдан эътиборан сиёсий партиядан сайловда номзодлар сифатида тенг миқдорда эркаклар ва хотин-қизларни кўрсатиши лозимлиги тўғрисидаги нормани жорий қилди. Ушбу қоидага риоя қилмаслик молиявий санкцияларга сабаб бўлади. Шунга қарамасдан, айрим партиядан сайловда аёл-номзодлар сонини кўпайтиришдан кўра жарима тўлашни афзал деб билади. 2012 йилда хотин-қизлар депутатлар ва сенаторларнинг фақат 25 фоизини ташкил қилган (27% – Миллий мажлисда ва 25% – Сенатда). Бу, ҳатто Ўзбекистон парламентидаги хотин-қизлар вакилликдан камдир.

2015 йилда бўлиб ўтган муниципал сайловда қонун битта эркакка битта аёл нисбатини талаб этади. Ҳозирги вақтда муниципал мажлисларида бу масалада қатъий тенглик амал қилмоқда. Аммо таъкидлаш муҳимки, муниципалитетлар учун 101 та президентдан фақат 10 таси аёл-президентлардир. Шунга қарамасдан, 2012 йилдан эътиборан француз ҳукуматида эркаклар ва аёллар тенглиги кузатилади.

Давлат томонидан молиялаштиришнинг шаффофлиги бўладими, қонун олдида ҳамманинг тенглиги бўладими, гендер тенглиги ривожланиши бўладими, қонун самарали ва кучли бўлиши лозим.

*Низомиддин НУРМАТОВ,  
Марказий сайлов комиссияси  
Матбуот хизмати раҳбари*

## **САЙЛОВЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИ, ОШКОРАЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ОАВ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ**

Сайлов қонунчилигига асосан сайловларнинг шаффофлик, очиқлик ва ошкораликда ўтказилиши демократик жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда эркин демократик сайловларни оммавий ахборот воситалари иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ошкоралик Марказий сайлов комиссиясининг асосий принципларидан бири ҳисобланади. Марказий сайлов комиссияси Регламентининг 21-моддасига мувофиқ, унинг мажлислари ОАВ вакиллари иштирокида очиқ ва ошкора ўтказилади.

2014 ва 2015 йилги сайловларга тайёргарлик кўрилиши ва уларнинг ўтказилиши тажрибаси таҳлили кўрсатганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастурига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш асосий тадбирлар дастурига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги сайлов кампаниясининг барча босқичларида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлашга қаратилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик бориши ва у қандай ўтаётганлигини ёритади. Сайлов билан боғлиқ барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар билан биргаликда ОАВ вакиллари ҳам ҳозир бўлишлари мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида тарқатиш ҳақида икки томонлама келишув битимлари имзоланиб, амалга оширилди. Келишув битимлари журналистларнинг сайлов ўтказилиши билан боғлиқ расмий ахборотлардан фойдаланишларини, шунингдек сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффофлик, ошқора-

лик, очиқликни таъминлашга ёрдам берди. Шу тарика сайловчиларни сайлов ҳақида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа сифатида хабардорлигини ошириш вазифаси амалга оширилди.

Ушбу битимлар доирасида босма ОАВда махсус рукнлар «Сайлов – 2014» («Выборы – 2014»), «Сайлов – 2015» («Выборы – 2015»), «21 декабрь – сайлов куни» («21 декабря – день выборов»), «29 март – сайлов куни» («29 марта – день выборов»), шунингдек «Ўзбекистон» телеканалида «Сайлов – демократия кўзгуси», «Выборы – зеркало демократии», «Марказий сайлов комиссияси хабарлари», «Новости Центральной избирательной комиссии», «The Central Election Commission's News» каби доимий кўрсатувлар ташкил этилди. Уларда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари тушунтириб борилди, ўз вақтида жамоатчилик сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида хабардор қилиб борилди. Кўрсатувларда малакали ҳуқуқшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги олимлар, экспертлар, парламент, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Бундан ташқари, марказий ва ҳудудий телеканалларда сайлов санаси, муддатидан олдин овоз бериш тартиби, овоз бериш ва сайлов бюллетенини тўлдириш тартибига бағишланган видеороликлар, шунингдек сайлов куни участка сайлов комиссиясининг иши, фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари, президентлик сайлови ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамияти институтларининг сайловдаги ўрни ва аҳамияти, ОАВнинг сайлов кампанияси очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашдаги роли, халқаро сайлов стандартлари, овоз бериш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссияларининг тизими мавзулари бўйича ўқув кўрсатувлари намойиш этилди. Сайлов кампанияси мобайнида 60 дан ортиқ бундай кўрсатув ва роликлар тайёрланди.

Сайлов жараёнини ёритишда нодавлат оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясига қирадиган ОАВ, шунингдек ахборот-таҳлилий интернет нашрлари фаоллик кўрсатди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланилди: аниқ вақт режимида округ сайлов комиссиялари иштирокида Марказий сайлов комиссиясининг онлайн-мажлислари, онлайн-брифинглари, шунингдек ҳудудий матбуот марказларининг вакиллари ва маҳаллий журналистлар иштирокида онлайн-семинарлар ўтказилди. Интернет, ташқи реклама, транспортдаги реклама, SMS хабарлари имкониятларидан жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш учун фойдаланилди.

Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги сайлов кампаниясининг барча иштирокчилари томонидан амалда-

ги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилишни таъминлашни ҳам назарда тутган эди. Ушбу вазифа Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда қатнашаётган барча ташкилий тузилмаларга қонунчилик меъёрларига қатъий риоя қилиш заруратини тушунтириш бўйича тадбирларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш йўли билан амалга оширилди.

Сайловчиларга сайлов қонунчилиги қоидаларини, хусусан сиёсий партияларнинг парламент сайловида иштирок этиши тартибини соддалаштириш, сайловолди ташвиқоти турлари, шакллари, усуллари ва шароитлари, «жимлик куни», муддатидан олдин овоз бериш институти, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий қилиниши каби сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини тушунтириш бўйича самарали ахборот ишларини ташкил этиш Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда давлат ва нодавлат теле- ва радиоканаллари, босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларининг имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Бу марказий ва маҳаллий матбуотда, «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Ахборот», «Таҳлилнома», «Ёшлар» телерадиоканалининг «Давр», «Давр ҳафта ичида», ЎзЭОАВМА телеканалининг «Худуд», «Тошкент» телерадиоканалининг «Пойтахт» ахборот дастурларида, шунингдек маҳаллий давлат ва нодавлат теле- ва радиотузилмаларининг ахборот-таҳлил дастурларида, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон», «Uzbekistan Today», «Туркистон-пресс» ахборот агентликларининг ахборот материалларида, партия ва бошқа ОАВда ҳамда интернет нашрларида ўз аксини топди.

Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги жамоатчиликни сайлов кампанияси эълон қилинганидан бошлаб унинг босқичлари ҳақида кенг хабардор қилишни назарда тутди.

Ушбу даврда Марказий сайлов комиссиясининг сайлов округларини тузиш ва округ сайлов комиссияларини шакллантириш бўйича фаолияти, Комиссия томонидан қабул қилинган қарорлари, сиёсий партиялар томонидан сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш бўйича имзолар тўплаш, тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топшириш, Комиссия томонидан имзолар тўғри тўлдирилганлигини текшириш ва бунда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этиши жараёнлари ҳамда сайлов кампанияси билан боғлиқ бошқа тадбирлар ёритилди.

Марказий сайлов комиссияси тўпланган ижобий тажрибани инобатга олган ҳолда ва сайлов кампаниясини кенг ёритиш мақсадида Сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузди. Вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида ҳудудий матбуот марказлари тузилиб, улар Республика матбуот маркази билан яқин ҳамкорлик қилди. Шундай қилиб, ОАВ билан ишлар ме-

диамарказда мужассамлаштирилди. У журналистлар сайлов кампанияси билан боғлиқ ҳар қандай ахборотдан фойдаланишлари нуқтаи назаридан сайлов комиссияларининг ОАВ билан яқин ҳамкорлигини таъминлади.

Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти иштирокида сайлов кампаниясининг турли долзарб масалалари юзасидан брифинглар ва матбуот анжуманлари ўтказилди.

Марказий сайлов комиссиясининг доимий равишда ўзбек, инглиз ва рус тилларида янгиланиб турадиган расмий веб-сайти ([www.elections.uz](http://www.elections.uz)) амал қилиши ва матбуот органи – «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси» нашр қилиниши ҳам ОАВ вакиллари учун сайлов кампанияси ҳақида расмий маълумотлар тақдим этилишига хизмат қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги фуқароларни парламент сайлови субъектлари, уларнинг сайловолди штаблари, партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари, сайловчилар билан учрашувлари билан таништиришга қаратилгандир. Шунингдек, бу борада сиёсий партиялар матбуот хизматлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, уларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш, тегишли материалларни республика ва вилоят матбуотида эълон қилиш жамоатчиликка ва журналистларга зарур ахборотнинг ўз вақтида ва тезкорлик билан тақдим этилишини таъминлашга хизмат қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, хусусан сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низом номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилишини таъминлади. Давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга текин ажратилади. Ҳар бир давлат телевидениеси ва радиоси ташкилотининг текин эфир вақтининг умумий ҳажми ҳафтасига камида 40 дақиқани ташкил қилди.

Давлат телевидениеси ва радиосида ажратиладиган бепул эфир вақти прайм-тайм (энг кўп томошабинлар (тингловчилар) йиғиладиган вақт)га тўғри келди. Ундан сиёсий дебатлар ўтказиш учун ҳам фойдаланилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг чиқишлари барча ОАВда алифбо тартибида амалга оширилди. Давлат теле- ва радиоканалларида ҳар ҳафтада бепул асосда сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодларнинг чиқишлари Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ амалга оширилди.

«Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» республика кундалик газеталарида сайловолди ташвиқоти материаллари эълон қилиб борилди.

Бунинг учун газеталарнинг иккинчи саҳифаси бепул ажратилди. Сайловчилар овозлари учун кураш сиёсий партиялар томонидан ўз матбуот нашрлари саҳифаларида ҳам тўлақонли равишда амалга оширилди. Бинобарин, бу ерда ҳеч қандай чекловлар бўлмади, партия газеталарининг ҳажми кўпайтирилди (24 саҳифагача), замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланилди.

Оммавий ахборот воситалари текин эфир вақтидан фойдаланишда номзодлар учун тенг шарт-шароитлар яратди. Бутун сайлов кампанияси давомида ижтимоий ҳаёт янгиликларига бағишланган дастурларда ОАВ барча номзодлар учун тенг имкониятлар тамойилига риоя қилди.

Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигида сайловчиларнинг сайловчилар рўйхати, овоз бериш жойи, вақти ва тартиби тўғрисидаги хабардорлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш, шунингдек сайловчиларнинг турган жойида овоз бериш тартиби тушунтирилди. ОАВ вакиллари билан бирга ушбу масалаларни сайловчиларга тушунтириш бўйича телероликлар ва материаллар тайёрланиб, улар марказий ва маҳаллий телевидение телеканаллари бўйича кенг трансляция қилинди.

Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги жамоатчиликнинг овоз бериш бориши ва сайловларнинг дастлабки натижалари ҳақида хабардор қилинишини таъминлади. Республика матбуот маркази ва ҳудудий матбуот марказларининг иши овоз бериш бориши ва Марказий сайлов комиссиясига келиб тушадиган овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомаларни кўриб чиқиш шаффофлигини максимал даражада таъминлашга қаратилди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, нодавлат теле- ва радиостанциялари томонидан сайлов куни сайлов участкаларидан теле- ва радиорепортажлар, сайловчилар билан интервьюлар, шунингдек Интернет тармоғидаги сайтларда онлайн режимида материаллар эълон қилиш ташкил этилди.

Шундай қилиб, Марказий сайлов комиссиясининг ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги бутун сайлов кампаниясининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган. Бу эса барча даражадаги сайлов комиссиялари ишининг ошкоралиги тамойилига мос келади ва жамоатчиликни сайлов ҳақида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида кенг хабардор этишга хизмат қилади.



**Шухрат ЯКУБОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати

**САЙЛОВЛДИ ТАШВИҚОТИ МЕХАНИЗМИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНДА ТЕНГ ШАРОИТЛАРНИ  
ТАЪМИНЛАШ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ 2014 ВА 2015 ЙИЛЛАРДА  
ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ КАМПАНИЯЛАРИДА СИЁСИЙ  
ПАРТИЯЛАР ИШТИРОКИГА ОИД ТАЖРИБА АСОСИДА**

Сайлов жараёнининг энг муҳим ва масъулиятли босқичларидан бири – сайловолди ташвиқоти ҳисобланади. Бу жараёнда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўз келгуси фаолият дастурлари билан таништирадilar. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, сайловчиларни номзодлар дастурларининг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга, сайловчиларни номзод учун овоз беришга даъват этишга қаратилган асосий босқич сифатида сайлов кампаниясида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади<sup>1</sup>.

Марказий сайлов комиссияси ва барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловолди ташвиқоти адолатли, очиқ ва ошкора олиб борилиши учун барча номзодларга тенг имконият ва кафолатларни яратишдан иборат. Ўз навбатида, сайловолди ташвиқоти мобайнида қонун талабларига қатъий риоя этиш, номзодларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳурмат қилиш талаб этилади.

**Сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг тенг, адолатли, очиқ ва ошкора асосда олиб борилишини тўла кафолатлайди. Аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган.

---

<sup>1</sup> Абдусаломов М. Сайлов қонунчилигини такомиллаштириш – демократик ислохотларни чуқурлаштиришдаги устувор вазифадир // Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси, №1–2 (25–26), 2011. – Б. 40.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги ва бошқа қонунларида сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир қоида-талаблар мустаҳкамланган.

Сайловолди ташвиқотига оид қоидаларни белгилашда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонуннинг 12-моддасида фуқароларнинг сайловолди ташвиқотида иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланди. Сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ нормалар ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланишига эътибор берилди. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида сўзланган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номли маърузада сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган, хусусан, сайловолди ташвиқотига доир нормалар таклиф этилди.

Шундан келиб чиқиб, 2012 йилда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг навбатдаги босқичи бўлди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун сайлов қонунчилигини такомиллаштирилиши муносабати билан бевосита сайловолди ташвиқоти, унинг турлари, шакллари ва усулларини кўрсатиб беришга хизмат қиладиган 4 та янги моддалар (27<sup>1</sup>-, 27<sup>2</sup>-, 27<sup>3</sup>-, 27<sup>4</sup>-моддалар) билан тўлдирилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Бу авваламбор партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турлитуман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани билан изоҳланади. Шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шaroитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган»<sup>1</sup>.

2012 йилда сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлар асосида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасида сайловолди ташвиқотига аниқ таъриф берилди. Унга кўра:

<sup>1</sup> Каримов И. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 86.

**«Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга оширилган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият»**дир. Ушбу таъриф ҳар жиҳатдан мукамал. Боиси, сайловолди ташвиқотининг асосий мақсади ҳам айнан депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга йўналтирилган.

Хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасига эътибор қаратсак, Испания, Канада, Мексика каби мамлакатлар қонунчилигида сайловолди ташвиқотига аниқ таъриф берилган. АҚШ, Япония, Франция, Польша, Белоруссия ва Ҳиндистон каби мамлакатлар сайлов қонунчилигида ҳам сайловолди ташвиқотининг бошланиши ва якунланиши билан боғлиқ қоидалар мавжуд бўлса-да, айнан сайловолди ташвиқотининг ягона таърифи мавжуд эмас.

Сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида, яъни муайян вақт оралигида амалга оширилади. Унинг бошланиши ва тугаш вақти миллий сайлов қонунчилигида аниқ кўрсатилган. **Ўзбекистонда сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.** Демак, сайловолди ташвиқотини олиб бориш вақти Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодни рўйхатга олганидан бошлаб сайлов кунидан бир кун олдингача бўлган муддатни камраб олади.

Ҳар бир сайловчининг овози сайловда алоҳида ўринга эгаллигини ҳисобга олсак, сайловолди ташвиқотини сайлов кунидан бир кун олдин ўтказишнинг тақиқланиши ҳам сайловчилар учун ниҳоятда муҳим.

Умуман, ривожланган мамлакатлар тажрибасида кенг қўлланиладиган овоз бериш кунидан олдинги «сукунат» вақтини қонунда аниқ акс эттирилиши сайловларнинг холис ва адолатли ўтишига хизмат қилади. Мазкур янгиликлар 2014 йилдаги сайловлар арафасида Ўзбекистонга ташриф буюрган ЕХХТ ДИИХБ миссияси вакиллари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилган.

Сайловолди ташвиқоти сиёсий партия дастури ҳамда депутатликка номзоднинг қобилиятига асосланади. Унда турли босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа материаллардан фойдаланиш мумкин. Аммо соғлом рақобатдан холи бўлган сайловолди ташвиқотини ўтказиш тақиқланади. Яъни, **сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш мумкин эмас.** Бу масалалар ҳам миллий сайлов қонунчилигида алоҳида мустаҳкамланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27<sup>1</sup>-моддасида сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қуйидаги турлари, шакллари ва усуллари кўрсатиб ўтилган:

– сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

– депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Сайловолди ташвиқоти:

– оммавий ахборот воситалари, шунингдек телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

– босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

– сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

### **Ўзбекистондаги 2014 йилда ўтказилган сайлов кампанияларида сиёсий партиялар иштирокига оид тажриба хусусида**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. 2014 йилдаги сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқоти 2014 йилнинг 15 ноябрь кунидан бошланди.

Сайловолди ташвиқотини амалдаги қонун талабларига мос ҳолда олиб боришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайлов кампаниясида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан ўтказиладиган сайловолди ташвиқоти ҳақида»ги махсус қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор асосида сиёсий партия вакиллари ва депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлари тартибини белгиловчи ҳафталик жадваллар тасдиқланди.

Сиёсий партиялар ва уларнинг депутатликка кўрсатилган номзодлари қуйидаги алфавит тартибида чиқишди:

- 1) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси;
- 2) Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси;
- 3) Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси;
- 4) Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

Сиёсий партиялар ва уларнинг депутатликка номзодларига оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда, сайлов жараёнларининг очиқ ва ошкора-

лигини таъминлашда, фуқароларнинг электорал маданиятини янада юксалтиришда, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларидаги иштироки ва фаолияти юзасидан аҳолини хабардор қилишда, умуман сайлов кампаниясининг барча босқичларида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тенг имкониятлар ва адолатли шароитлар яратиб берилди.

### **Босма оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган сайловолди ташвиқоти ҳақида**

Ўзбекистондаги асосий марказий нашрлар ҳисобланган «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарининг ҳар бир сонида сайловолди ташвиқотига оид материаллар чоп этиб борилди. Материаллар юқоридаги газеталар биринчи саҳифасида қисқача «анонс» шаклида берилган бўлса, иккинчи бети тўлиқ ташвиқот учун ажратилди.

Бундан ташқари партия нашрлари, қатор марказий журналлар, маҳаллий газеталар, нодавлат босма ОАВда ҳам сайловолди ташвиқоти материаллари чоп этилди.

Жами босма ОАВда 1 107 та материал эълон қилинган бўлса, улар партиялар кесимида қуйидагича тақсимланади: 336 – ЎзЛиДеП, 286 – ЎзХДП, 207 – «Миллий тикланиш» ДП, 194 – «Адолат» СДП.

Давлатга қарашли марказий газета ва журналларда сиёсий партиялар томонидан сайловолди ташвиқотига оид жами 117 та материаллар эълон қилинган бўлса, уларнинг 30 таси – ЎзХДПга тегишли бўлса, 29 тадан – ЎзЛиДеП, «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДПга тўғри келади.

Марказий нодавлат босма нашрларида сайловолди ташвиқотига оид жами 36 та материал чоп этилган. Улар партиялар кесимида қуйидагича тақсимланади: 9 – ЎзЛиДеП, 9 – ЎзХДП, 11 – «Миллий тикланиш» ДП, 7 – «Адолат» СДП.

Давлатга қарашли маҳаллий босма нашрларда сайловолди ташвиқотига оид жами 457 та материал чоп этилган. Улар партиялар кесимида қуйидагича тақсимланади: 132 – ЎзЛиДеП, 102 – ЎзХДП, 111 – «Миллий тикланиш» ДП, 112 – «Адолат» СДП.

Сиёсий партияларнинг марказий нашрлари ҳисобланган – «XXI ASR», «Adolat», «Milliy tiklanish», «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида ҳам партияларнинг сайловолди дастурлари, улар томонидан депутатликка кўрсатилган номзодлар, сайловчилар билан ўтказилган учрашувлар ва бошқа сайловолди ташвиқотига оид материаллар тизимли ёритиб борилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида партия нашрлари томонидан жами 101 та материаллар эълон қилиниб, уларнинг 36 таси – ЎзХДПга, 29 таси – «Адолат» СДПга, 20 таси – «Миллий тикланиш» ДПга ҳамда 16 таси – ЎзЛиДеПга тўғри келади.

### **Сайловолди ташвиқоти даврида телевидение орқали чиқишлар**

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O‘zbekiston» ва «Yoshlar» телеканаллари орқали сиёсий партия вакиллари ва депутатликка номзодларнинг чиқишлари тизимли эфирга узатиб борилди.

Ҳар бир сиёсий партияга бир хил эфир вақти ажратилди. Тўртта партия учун ҳафталик 238 дақиқадан теле- ва радиоэфир вақти, жумладан 2 марта 15 дақиқадан телерадио орқали ҳамда 5 дақиқадан ҳар бир сиёсий партия лидерларининг чиқишларига ажратилди.

Шунингдек, барча сиёсий партияларга тегишли умумлаштирилган 5 дақиқалик (ҳар бир партия учун 75 секунддан) ва 2 дақиқалик (ҳар бир партия учун 30 секунддан) телерадиороликлари жамланмаси эфирга узатиб борилди. Ушбу партияларнинг жамланган телерадиороликлари кунига ҳар икки соатда бир марта ахборот дастурларидан сўнг эфирга узатилди.

Партия сайловолди дастурлари, уларнинг номзодлари ҳақида нодавлат телеканалларида ҳам ташвиқот материаллари тизимли ёритиб борилди.

2014 йил 19 декабрь куни ҳолатига, яъни сайловолди ташвиқотининг якунига кўра, сиёсий партияларнинг давлат ва нодавлат телерадиоканалларидаги жами чиқишларининг умумий вақти 406 соатни ташкил этди. Улар партиялар кесимида қуйидагича: 106 соат – ЎзХДП, 100 соатдан – «Миллий тикланиш» ДП ва «Адолат» СДП, 99 соат – ЎзЛиДеП.

Юқоридагилар билан бирга ҳар ҳафтада тўртта сиёсий партияларнинг вакиллари иштирокидаги сайловолди дебатлари эфирга узатилди. 2014 йил парламент сайловлари олдидан «O‘zbekiston» телеканали орқали жами 5 та теледебат ташкил этилди (2009 йилдаги сайловларда 1 та теледебат ташкил этилган). Бу сайловларда илк бор вилоят телеканаллари орқали 14 та (12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида) теледебатлар ташкил этилди ва эфирга узатилди.

Сиёсий партияларнинг давлат телеканалларидаги жами чиқишларининг умумий вақти 289 соат 30 дақиқани ташкил этди. Партиялар кесимида бу кўрсаткич: 72 соат 33 дақиқа – «Адолат» СДПга, 72 соат 31 дақиқа – ЎзЛиДеПга, 72 соат 27 дақиқа – «Миллий тикланиш» ДПга ва 71 соат 58 дақиқа – ЎзХДПга тўғри келади.

Нодавлат телеканалларидаги жами чиқишларининг умумий вақти 39 соат 27 дақиқани ташкил этди. Ундан: 13 соат 50 дақиқа – ЎзХДП, 8 соат 45 дақиқа – «Миллий тикланиш» ДП, 8 соат 35 дақиқа – ЎзЛиДеП ва 8 соат 15 дақиқа – «Адолат» СДПга тегишли.

### **«UZ» доменидаги веб-сайтлар орқали чиқишлар**

Сиёсий партиялар томонидан сайловолди ташвиқоти доирасида веб-сайтларга жами 230 та материал жойлаштирилган. Уларнинг 130 таси – ЎзЛиДеП, 72 таси – ЎзХДП, 14 та – «Миллий тикланиш» ДП ва «Адолат» СДП га тегишли.

Бошқа веб-сайтларга жойлаштирилган материаллар 160 тани ташкил этди. Уларнинг 73 таси – ЎзХДПга, 33 таси – УзЛиДеПга, 32 таси – «Адолат» СДП га ҳамда 22 таси – «Миллий тикланиш» ДПга тегишли.

### **Ташвиқот материалларини жойлаштириш бўйича**

Сайловолди ташвиқоти даврида республиканинг бутун ҳудуди бўйлаб, жами 25 та электрон таблоларда барча сиёсий партияларга тегишли умумлаштирилган 2 дақиқалик (ҳар бир партия учун 30 секунддан) видеороликлар эфирга узатиб борилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг аҳоли гавжум бўладиган марказий кўчаларига сиёсий партиялар ташвиқотини акс эттирувчи ва фуқароларни овоз беришга чақирувчи баннерларни жойлаштириш учун жами 1 212 та реклама шитлари ажратилди.

Юқоридагилар билан бирга, ҳар бир сиёсий партия томонидан ўзлари депутатликка кўрсатган номзодлари учун тарқатма материаллар, плакатлар тайёрланди ва кенг аҳоли қатламига тарқатилди. Ҳар бир депутатликка номзод учун ўртача 10 000 донадан ташвиқот материаллари тайёрланган.

### **Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари**

2014 йилдаги сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқотининг энг кенг тарқалган, анъанавий усули – учрашувлардан кенг фойдаландилар. Сайловолди ташвиқоти даврида барча сиёсий партиялар томонидан 43 мингдан ортиқ (43 219) учрашувлар ташкил этилди ва ўтказилди. Уларда 4 млн.га яқин (3 872 826 нафар) сайловчилар иштирок этдилар.

Партиялар кесимида учрашувлар сони қуйидагича тақсимланади: 22 748 – ЎзЛиДеП, 11 940 – «Адолат» СДП, 5 048 – ЎзХДП, 3 483 – «Миллий тикланиш» ДП. (2009 йилда ўтказилган сайловларга қиёсласак, унда жами 20 мингга яқин учрашувлар ўтказилган. Партиялар кесимида «Адолат» СДПга – 4 364, «Миллий тикланиш» ДПга – 4 735, ЎзЛиДеПга – 5 591, ЎзХДПга – 5 257 та учрашувлар тўғри келган.) Учрашувлар давомида сайловчиларга депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурларининг асосий мазмуни ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

Сайловолди учрашувларининг таҳлили аҳолининг сайлов қонунчилигидан хабардорлиги, электорал маданияти даражаси кескин юксалганлигини кўрсатди. Улар сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши, депутатликка номзодлар дастурларининг фарқли ва ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бера олганлар.

Айниқса, савол-жавоблар шаклида ўтган учрашувларда сайловчилар аввалгидек, маиший мавзулардаги саволлар билан эмас, балки номзод депутат сифатида сайланса, қайси масалаларни ҳал этиши, сайловолди дастурида эътибор қаратилмаган масалаларга ҳам тўхталганлар. Масалан, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сайловчилар депутатликка номзодларга сайловолди дастуридаги вазифаларни амалга ошириш механизми ҳақида савол берганлар.

Ёки Наманган вилоятида сайловчилар депутатликка номзодлар сайловолди дастурларини таҳлил қилиб, уларнинг реал ва нореал экани ҳақида учрашувларда ўз мулоҳазаларини билдирганлар. Бу сайловчиларнинг сиёсий савияси анча юксалганидан дарак беради.

Ўзбекистонда 2015 йил ўтказилган Президент сайловларида ҳам сайлов-олди ташвиқоти юқори савияда, қонунда белгиланган тамойиллар асосида, партиялар ва номзодлар учун яратилган тенг шароитларда ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимизда сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мукамал белгиланган. Ушбу қоида-талаблар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига тўлиқ мос келади. Номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, сайловчилар билан бевосита учрашувлар ўтказиш орқали таништиришда тенг шароитлар яратилган. Ушбу ҳуқуқий кафолатлар номзодлар ва сиёсий партияларга ўз дастурларини кенг тарғиб қилиш ҳамда сайловчиларга номзодлар орасидан ўзи учун энг муносибини танлаш имконини бермоқда.



## **МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА**

2015 йил 7 май куни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг Буюк Британиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Джордж Эдгар билан учрашуви унинг илтимосига биноан бўлиб ўтди.

Иккала мамлакат сайлов тизимларини янада демократлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, сайловларни қонун устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ташкил қилиш ва ўтказишни таъминлайдиган мустақил сайлов комиссияларининг амал қилиши Ўзбекистон сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Элчи Дж. Эдгар 2014 йилги парламент сайлови ва 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муваффақиятли ўтганлигини ҳамда Ўзбекистон келажагини белгилайдиган муҳим сиёсий воқеа бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, у Буюк Британияда Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам кузатишда иштирок этаётган Умумий парламент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида қисқача хабардор қилди, шунингдек миллий сайлов тизимининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича Буюк британиялик ҳамкасблари билан халқаро ҳамкорлигини ва тажриба алмашишни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам фикр юритилди.

\* \* \*

2015 йил 18 май куни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида Марказий сайлов комиссиясининг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан ҳамкорлиги хусусида фикр алмашилди. Д. Сабо Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида кўшма лойиҳа доирасида унумли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Учрашувда ЕХХТ лойиҳалари бўйича миллий эксперт О. Рашидов, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ва масъул ходимлари иштирок этди.

\* \* \*

2015 йил 25 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 4-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 121-Яккабоғ сайлов округидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати У. Муҳаммадиев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайланганлиги муносабати билан унинг депутатлик ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

\* \* \*

2015 йил 17 июнь куни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дьердь Сабо билан учрашуви унинг илтимосига биноан бўлиб ўтди.

Учрашувда ЕХХТ ва Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини янада демократлаштириш, сайловчилар ягона электрон рўйхатини тузиш хорижий тажрибасини ўрганиш бўйича ҳамкорлиги юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, музокараларда сайлов жараёнини янада демократлаштириш долзарб жиҳатларига бағишланган халқаро тадбирларга биргаликда тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Учрашувда ЕХХТ лойиҳалари бўйича катта маслаҳатчи Н. Рашич, ЕХХТ лойиҳалари бўйича миллий маслаҳатчи О. Рашидов, Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари ва масъул ходимлари иштирок этди.

\* \* \*

2015 йил 10 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йил биринчи ярмида амалга оширилган ишлари ва Комиссиянинг 2015 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

\* \* \*

2015 йил 31 июль куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Х. Чинибеков вафот этганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари рўйхатидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\* \* \*

2015 йил 21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг Тошкент шаҳрида 23–24 ноябрь куни бўлиб ўтадиган ҳамда сайлов тизими ва қонунчилигини демократлаштириш, Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибасига бағишланган халқаро давра суҳбати иштирокчиси сифатида мамлакатимизда ҳозир бўлган Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси А. Цимдарс билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида сайлов органларининг икки томонлама ҳамкорлиги масалалари бўйича фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Унинг МДХ мамлакатлари, Германия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Малайзия сайлов органлари, шунингдек БМТТД, ЕХХТ, ШҲТ билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам, Латвияда ҳам сайлов институтига алоҳида эътибор қаратилади. Иккала давлатда Марказий сайлов комиссияси мустақил орган сифатида фаолият кўрсатади. Марказий сайлов комиссияларининг ўзаро ҳамкорлиги самарали ва конструктив муносабатлар тусига эга. Ўзбекистон ва Латвия сайлов органларининг вакиллари халқаро ташкилотлар ишида, бошқа мамлакатларда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатишда иштирок этадилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Латвия Республикаси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумни имзолаш маросими ўтказилди. Меморандумда сайлов тўғрисидаги қонунчиликни ва сайлов амалиётини такомиллаштириш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ахборот, материаллар, тадқиқот натижалари алмашинувиغا кўмаклашиш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва фаоллигини юксалтириш соҳасида тажриба алмашиш назарда тутилган.

Ўзбекистон ва Латвия сайлов органларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги меморандумни имзолаш маросимида Латвия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси Эдгарс Бондарс, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

\* \* \*

2016 йил 26 январь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2015 йилда амалга оширган фаолияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ҳамда Комиссиянинг 2016 йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси муҳокама этилди.

Мажлисида таъкидланганидек, Комиссиянинг 2015 йилдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги сайлов қонунчилиги, Комиссиянинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилди ва асосан, парламент ва президентлик сайловларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирларни амалга оширишга қаратилди. Бутун сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошқоралиги миллий ва хорижий ОАВ фаол иштирокида таъминланди.

Ҳисобот йилида Комиссиянинг 22 та мажлиси ўтказилиб, уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари ва Комиссия фаолиятининг бошқа жиҳатлари билан боғлиқ 46 та қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси БСОА, ЕХХТ, МДХ, ШХТ доирасида халқаро ҳамкорлигини ривожлантирди ҳамда хорижий мамлакатлар сайлов органлари билан икки томонлама алоқаларини мустаҳкамлаб келмоқда. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг вакиллари Доминикан Республикасида бўлиб ўтган БСОА Бош ассамблеясининг ишида иштирок этди. ЕХХТ кўмагида Буюк Британия, Даниянинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибаси, Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва қўллаш амалиёти ўрганилди. Марказий сайлов комиссиясининг вакиллари МДХ ва ШХТ миссиялари, БСОА экспертлари таркибида Беларусь Республикаси, Арманистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон каби МДХ қатор мамлакатларидаги сайлов ва референдумларни кузатишда қатнашдилар. Бундан ташқари, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги миллий экспертларимиз Сербия, Корея Республикаси, Ҳиндистонда ташкил этилган ўқув тренингларида иштирок этдилар.

Комиссия аъзолари Марказий сайлов комиссиясининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш масаласини кўриб чиқдилар.

Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

\* \* \*

2016 йил 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломовнинг Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА) ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясининг бош қотиби Ким Ён Хи бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди. Делегация мамлакатимизга икки давлат сайлов органларининг ҳамкорлиги истиқболларини муҳокама қилиш, сайлов қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш

амалиётини такомиллаштириш соҳасида тажриба алмашиш мақсадида ташриф буюрган.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссиясининг, шу жумладан БСОА доирасидаги ҳамкорлиги масалалари бўйича фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси БСОАнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади. БСОА халқаро ташкилот сифатида 2013 йил октябрь ойида ташкил топган ва унинг қароргоҳи Инчхон шаҳри (Корея Республикаси)да жойлашган. Ҳозирги вақтда у 102 мамлакатнинг 106 та сайлов органини бирлаштиради. Ташкилотнинг мақсади очик, шаффоф сайловлар ташкил қилиш ва ўтказиш масалаларида ахборот ҳамда тажриба алмашиш бўйича халқаро ҳамкорликка кўмаклашишдан, шунингдек сайлов органларини демократик сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, касбий даражасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда ва Корея Республикасида мустақил сайлов органи амал қилади. Иккала давлат сайлов органларининг ҳамкорлиги изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Иккала мамлакат сайлов органларининг вакиллари БСОА доирасида ўзаро ҳамкорлик қилмоқда, халқаро анжуманлар ишида, бошқа давлатларнинг сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатишда иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон вакиллари БСОАнинг Корея Республикасида 2014 йил июнь ойида бўлиб ўтган миллий маҳаллий сайловларни кузатиш бўйича дастурида қатнашдилар. Ўз навбатида, Корея Республикаси вакиллари БСОАдан кузатувчилар миссияларининг таркибида Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент (2014 й.) ва президентлик (2015 й.) сайловларини кузатишда иштирок этдилар. Бундан ташқари, иккала мамлакатнинг сайлов ҳуқуқи соҳасидаги миллий экспертлари ҳам Ўзбекистондаги, ҳам Корея Республикасидаги халқаро конференциялар, семинарлар ва тренингларда фаол қатнашиб келмоқда.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси ўртасида, шунингдек БСОА доирасида ҳамкорлик қилиш меморандумини имзолаш маросими ўтказилди. Бу сайлов тўғрисидаги қонунчиликни ва сайлов амалиётини такомиллаштириш соҳасида тажриба алмашувига, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш соҳасида ахборот алмашишга, сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга қаратилган қўшма тадбирлар ва лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Меморандумни имзолаш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Ук Хон, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

\* \* \*

2016 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Шунингдек, Комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати Р. Матқурбановнинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

\* \* \*

2016 йил 4 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси А. Усмановнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

\* \* \*

2016 йил 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 61-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисини 2016 йил 26 март куни соат 10.00 да Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри «Кимёгарлар» маданият саройи биносида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\* \* \*

2016 йил 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Мажлисида Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-

нинг Сенати аъзоси сайлови бўйича 2016 йил 26 март куни ўтказилган қўшма мажлиси баённомасига асосан С. Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Ф. Умаровнинг халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати ваколати тугатилганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## **ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Комилжон Адилов ва Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Низомиддин Нурматовдан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси 2015 йил 18–21 август кунлари Санто-Доминго ва Пунта-Кана шаҳарлари (Доминикан Республикаси)да ўтказилган Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА) 2-Бош ассамблеяси ва «Сайлов органларининг ҳаққоний ва адолатли сайловларни таъминлашдаги роли» мавзусида Умумжаҳон конференциясининг ишида иштирок этишди. Тадбирда БСОАга 67 та аъзо давлатларнинг қарийб 200 нафар вакили қатнашди.

БСОА 2-Бош ассамблеяси дастурига мувофиқ, 18 август куни Санто-Доминго шаҳрида, Доминикан Республикасининг пойтахтида БСОА Бош ассамблеяси расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. 19 август куни Пунта-Кана шаҳрида БСОА Бош ассамблеясининг давом этган йиғилишида ташкилотнинг 2014 йилги ҳисоботи, келгуси (2015–2017) йилларга янги раисни сайлаш, Ассоциация Низомига ўзгартишлар киритиш, Ассоциацияга ҳамда ташкилотнинг Ижроия Кенгашига янги аъзоларни сайлаш, БСОАнинг кейинги 3-Бош ассамблеяси ўтказиладиган мамлакатни белгилаш, шунингдек БСОА раисининг ўринбосарини сайлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ташкилот ҳисобот даврида ўз фаолияти устувор лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирганлиги таъкидланди. Сайлов органларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича ўқув дастурлари билан 25 та давлат сайлов органларининг 124 нафар вакили камраб олинди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 4 нафар вакили ҳам 2014 йилда Сеул шаҳридаги ўқув дастурига жалб қилинди. 2014 йилда Корея маҳаллий сайловларини кузатиш бўйича дастур ҳам ташкил этилди. Унда 42 та давлат 51 та ташкилотидан 111 нафар вакили иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 3 нафар вакили ҳам маҳаллий сайловларни Инчхон шаҳрида кузатишда қатнашди.

Ҳисобот даврида Қирғизистон ва Кения сайлов органлари вакиллари учун ўқув дастури ташкил этилди. БСОА вакиллари халқаро конференциялар ишида ҳам фаол қатнашдилар. IFES, NDI, IRI, USAID каби халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлар йўлга қўйилган.

БСОА веб-сайти яратилиб, амал қилмоқда ([www.aweb.org](http://www.aweb.org)). Ҳозирги вақтда 102 давлат сайлов органлари БСОАни ташкил этади.

БСОА раиси этиб Доминикан Республикаси Марказий сайлов органи президенти Роберто Розарио Маркус сайланди.

БСОАнинг кейинги Бош Ассамблеяси Руминия давлатида ўтказилиши белгиланди. Шу муносабат билан Руминия Марказий сайлов органи президенти Анна Мария Патру БСОА раисининг ўринбосари этиб сайланди.



Ташкилот Низомининг 6-моддасига мувофиқ Аргентина, Бразилия, Гамбия, Никарагуа, Парагвай, Перу, Тунис, Фиджи сайлов органлари БСОАнинг янги аъзолари этиб сайланди.

БСОАнинг Ижроия Кенгаши кўпи билан 10 аъзодан иборат ва барча қитъалар вакилларидан ташкил топади. Албания, Аргентина, Бразилия, Кения, Қирғизистон, Молдова давлатларининг сайлов органлари Ижроия Кенгаши аъзолари этиб сайланди. Шунингдек, БСОА Низомига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Умумжаҳон конференцияси (19–21 август) ялпи ва шуъба мажлислар шаклида ўтказилди. Анжуман мобайнида сайлов архитектураси, ҳаққоний ва адолатли сайловларни таъминлаш учун зарур институтлар тузиш ва уларнинг амал қилиши, сайлов органлари тузилиши, бюджети ва молиявий мустақиллиги, сиёсий партияларни ва уларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш, шунингдек сайлов жараёнига янги технологияларни жорий қилиш масалалари муҳокама этилди.

Умумжаҳон конференцияси иштирокчиларининг умумий фикрига кўра, ҳаққоний сайловлар нафақат сайлов органлари, балки жамоатчилик, давлат ва бошқа манфаатдор томонлар орқали таъминланади. Адолатли сайловлар жамиятда барқарорликни таъминлайди, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини кафолатлайди.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адиллов МДХ Ижроия кўмитаси миссияси таркибида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш. Якубов эса ШХТ миссияси таркибида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбанқулов БСОА экспертлари таркибида 2015 йил 4 октябрь куни бўлиб ўтган Қирғизистон парламенти сайловини кузатишда иштирок этишди.

Халқаро кузатувчиларнинг аксарияти ЕХХТ (313) ва МДХ (137) миссияларидан бўлди.

Бир палатали Қирғизистон Республикаси Жоқорғу Кенешига сайлов пропорционал вакиллик тизими бўйича ўтди. Унда парламентнинг 120 нафар аъзоси 5 йиллик муддатга ёпиқ партия рўйхатлари бўйича ягона умуммиллий сайлов округида сайланади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун 2 338 та сайлов участкаси ташкил этилди. Дунёнинг 26 та мамлакатада, шу жумладан Ўзбекистонда 36 та участка сайлов комиссиялари фаолият кўрсатди.

Сайлов органлари умумжаҳон ассоциациясидан дунёнинг 27 та мамлакати вакиллари ҳисобланган 38 нафар эксперти овоз беришда ва сайловчиларнинг овозларини санаб чиқишда замонавий электрон технологияларидан фойдаланиш жараёнини кузатиб борди.

Сайловда 1,6 миллиондан зиёд фуқаролар ёки сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 59% иштирок этди.

Сайлов натижаларига кўра, олтига партия энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлди: Қирғизистон социал-демократик партияси – 27,4% (37 та), «Республика – Ата-Журт» – 20,2% (29 та), «Қирғизистон» – 13% (18 та), «Онугуу – Тараққиёт» – 9,3% (13 та), «Бир-Бол» – 8,5% (12 та), «Ата-Мекен» – 7,8% (11 та).

\* \* \*

Сайловлар ва республика референдумларини ўтказиш бўйича Беларусь Республикаси Марказий комиссиясининг ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитасининг таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси М. Абдусаломов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Д. Саъдуллаев МДХ кузатувчилари миссияси таркибида 2015 йил 11 октябрь куни бўлиб ўтган Беларусь Республикаси Президенти сайловини кузатишда иштирок этдилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни 928 нафар халқаро кузатувчилар, шу жумладан ЕХХТ ДИИХБдан – 344 нафар, МДХдан – 387 нафар, МДХга аъзо давлатлар Парламентлараро ассамблеясидан 45 нафар кузатувчи томонидан кузатиб борилди. Шунингдек, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент ассамблеясидан 68 нафар кузатувчи, Европа Кенгаши Парламент ассамблеясидан – 15 ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотидан – 7 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтди. Хорижий мамлакатлар сайлов органларидан 20 нафар кузатувчи, дипломатик корпусдан – 65 нафар, 22 нафар мустақил халқаро кузатувчи иштирок этди. Шунингдек, 9 168 нафар маҳаллий кузатувчилар ҳам сайловни мониторинг қилиб борди.

Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Беларусь Республикаси Марказий сайлов комиссияси 153 та ҳудудий, 6 129 та, шу жумладан хорижда 49 та участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилди.

Сайловлар ва республика референдумларини ўтказиш бўйича Беларусь Республикаси Марказий комиссиясининг маълумотларига кўра, сайловчилар рўйхатига 6 миллион 951 минг 81 фуқаро киритилди. Уларнинг 2 миллион 502 минг 389 нафари (36%) муддатидан олдин овоз берди.

Сайлов натижалари бўйича А. Лукашенко 83,49% овоз тўплаб, Беларусь Республикаси Президенти этиб сайланди.

\* \* \*

Озарбайжон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Н. Нурматов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Т. Каримов МДХ кузатувчилари миссияси таркибида Озарбайжон Республикаси Миллий Межлисига 2015 йил 1 ноябрь куни бўлиб ўтган сайловни кузатишда иштирок этишди.

Озарбайжон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига асосан, ҳар бир чақириқ Озарбайжон Республикаси Миллий Межлиси сайлови ҳар беш йилда ноябрь ойининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Озарбайжон Республикаси Сайлов кодексининг 143-моддасига мувофиқ, Миллий Межлисининг 125 нафар депутати мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли сайлов округлари бўйича беш йил муддатга сайланади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, 125 та округ ва 5 547 та участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилди.

Сайловда 15 та сиёсий партиялар, ўз ичига 7 та сиёсий партияни бирлаштирган «Азадлиг – 2015» блоки, мустақил номзодлар ва ўз ташаббуси билан кўрсатилган номзодлар иштирок этди. 125 та депутатлик мандати учун 767 нафар номзод кураш олиб борди: сиёсий партиялардан – 278 нафар, сиёсий партиялар блокидан – 20 нафар, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан – 2 нафар, ўз ташаббуси билан – 467 нафар.

Овоз бериш сайлов куни соат 8.00 дан соат 19.00 га қадар амалга оширилди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, сайловчилар рўйхатига 5 миллион 198 минг 658 сайловчи киритилиб, уларнинг 2 миллион 897 минг 188 нафари, яъни 55,7 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Сайлов жараёнини 503дан зиёд хорижий ва 57 мингдан ортиқ маҳаллий кузатувчилар кузатиб борди. Рўйхатга олинган номзодлар, номзодлари рўйхатга олинган сиёсий партиялар ва сиёсий партиялар блоки «Азадлиг – 2015» бир нафардан ўз вакилини тегишли сайлов комиссиялари таркибига маслаҳат овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган комиссия аъзоси сифатида юбориш имконига эга бўлди.

Хорижий кузатувчилар орасида қарийб 40 та халқаро ташкилот ва 57 та чет эл давлатларининг, шу жумладан Европарламент, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси, МДХ, МДХ Парламент Ассамблеяси, хорижий давлатларнинг парламент делегацияларининг вакиллари бўлди. Шунингдек, сайлов монито-

рингида сайлов участкаларидан чиқишда сайловчилар ижтимоий сўровини ўтказиш (эксит-полл) бўйича ихтисослашган бир неча халқаро ташкилотлар ҳам қатнашди.

Сайлов кампаниясини мониторинг қилиш доирасида МДХ кузатувчилари миссияси вакиллари 1 070 та сайлов участкаларига ташриф буюрди, Боку, Ганжа, Сумгаит шаҳарларидаги Абшерон, Габалин, Исмоил, Сальян, Самух, Нефтчалин, Шамкир туманлари сайлов комиссияларининг ишлари билан танишди.

Миллий Межлис сайловининг натижаларига асосан «Ени Озарбайжон» («Янги Озарбайжон») партияси парламентда 70 та ўринга эга бўлди. Мустақил номзодлар 42 та сайлов округидан сайланди. Фуқаролик бирдамлиги партиясидан 3 нафар, бошқа 10 та партиядан бир нафардан депутат сайланди.

\* \* \*

Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбонқулов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси 2015 йил 18–25 ноябрь кунлари Дания Қироллиги ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигида амалий ташриф билан бўлди.

Даниядаги ташриф дастури доирасида делегация аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун масъул ҳисобланган Дания ижтимоий масалалари ва ички ишлари вазирлигида учрашув ўтказди. Дания сайловчилари ягона электрон реестри амал қилиш тизими намоён қилинди. Унинг яқунлари бўйича делегация аъзолари ушбу реестрни юритиш, уни янгилаш ва ундан сайлов амалиётида фойдаланиш юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида маълумот бердилар.

Шунингдек, делегация аъзоларининг Дания Ташқи ишлар вазирлигида, парламентида, Статистика марказида ва Копенгаген мэриясида учрашувлари бўлиб ўтди.

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигига ташриф доирасида ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Хусусан, Буюк Британия Сайлов комиссияси Сиёсий департаменти раҳбари билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайловларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган ислохотлар ҳақида ахборот берилди.

Шу билан бирга, Буюк Британияда сайловчилар ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва унинг амал қилиши масалалари муҳокама қилинди. Буюк Британия қонунчилигига биноан овоз бериш учун сайловчилар рўйхатга оли-

ниши зарур. Сайловчиларни рўйхатга олиш ва сайлов билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар 2006 йилги Сайловларни бошқариш тўғрисидаги ҳужжат билан тартибга солинади.

Учрашув чоғида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайловчилар ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегациясининг Лондон райони Кенсингтон ва Челси муниципалитети ҳамда Маҳаллий маъмурият раҳбарлари жамияти вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

\* \* \*

2015 йил 28 ноябрь – 5 декабрь кунлари Ўзбекистон вакиллари Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (БСОА) томонидан Инчхон шаҳри (Корея Республикаси)да «Сайловда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) салоҳиятини ошириш» мавзусида ташкил этилган ўқув дастурида иштирок этдилар. Унинг ишида БСОАга аъзо 15 та давлат сайлов органларининг 37 нафар вакиллари қатнашди.

Ўқув БСОАнинг ушбу йўналишда тажрибага эга бўлган ҳамда қатор хорижий давлатларда бир неча маротаба сайловларда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган етакчи мутахассислари томонидан олиб борилди.

Тадбир давомида ахборот-коммуникация технологияларини сайлов жараёнига жорий этишнинг амалий масалалари БСОАга аъзо давлатларнинг илғор тажрибаси мисолида муҳокама қилинди. Тренинг иштирокчилари Қирғизистоннинг сайлов жараёнида АКТ қўллаш бўйича тажрибаси билан танишдилар.

Шунингдек, БСОАнинг ҳар бир давлатда демократик сайловларни, сайлов органларининг очиклиги ва мустақиллигини таъминлашга, уларнинг БСОА доирасидаги халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, шунингдек халқаро кузатув институтини ривожлантиришга қаратилган сайлов амалиётини такомиллаштириш бўйича фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

\* \* \*

Марказий сайлов комиссияси Котибияти Халқаро алоқалар бўйича гуруҳининг раҳбари Дилшод Баҳриев Ҳиндистон демократия ва сайловларни бошқариш халқаро институти (ХДСБХИ) томонидан 2015 йил 29 ноябрдан 11 декабрга қадар «Сайловларни бошқариш» мавзусида Нью-Дехли шаҳри (Ҳиндистон Республикаси)да ташкил этилган ўқув курсида иштирок этди.

Машғулотлар инглиз тилида ХДСБХИнинг сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида тажрибага эга бўлган экспертлари томонидан амалга оширилди. Тренингда 16 та мамлакатнинг сайлов органларидан 29 нафар вакиллари қатнашди: Бангладеш Халқ Республикаси, Вануату, Гайана, Грузия, Замбия, Шри-Ланка, Иордания Ҳошимит Қироллиги, Индонезия,

Бутан Қироллиги, Камбоджа Қироллиги, Коста-Рика Республикаси, Суринам Республикаси, Ўзбекистон Республикаси, Уганда Республикаси, Танзания, Туркманистон.

Ўқиш доирасида сайловларни бошқариш ва ташкил этиш, сиёсий партияларни рўйхатга олиш ва уларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш, сайловолди ташвиқотини ОАВда ёритиш, сайловчиларни ўқитиш, фуқароларнинг сайловда иштирок этиши учун қулай ва тенг шароитлар яратиш, сайловчиларни рўйхатга олиш ва уларнинг рўйхатини шакллантириш, шунингдек сайлов жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, хусусан электрон овоз бериш машиналаридан фойдаланишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Тренинг қатнашчилари Ҳиндистонда сайлов соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар билан ҳам таништирилди.

Ўқув курси якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

\* \* \*

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитасининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси О. Абдуназаров МДХ кузатувчилари миссияси таркибида 2015 йил 6 декабрь куни бўлиб ўтган Арманистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар киритиш бўйича референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни мониторинг қилишда иштирок этди.

Референдум жараёнини кузатишда 3 мингдан ортиқ маҳаллий кузатувчилар ҳамда қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, шу жумладан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси ва МДХдан 116 нафар кузатувчи қатнашди.

Референдумда мамлакат фуқароларига «Конституцияга тузатишлар лойиҳасига розимисиз?» деган саволга жавоб бериш таклиф этилди. Асосий Қонунга ўзгартишлар лойиҳаси 16 октябрь куни Арманистон Марказий сайлов комиссиясининг сайтида, шунингдек марказий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Таклиф этилган тузатишларга мувофиқ, республика президенти чекланган вазифаларга (асосан вакиллик вазифаларига) эга. У аҳолининг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан эмас, балки республика парламенти томонидан етти йиллик муддатга партиясиз номзодлар орасидан сайланади.

Ислохот парламентга бир мандатли мажоритар сайлов округлари бўйича сайловдан воз кечишни назарда тутди. Депутатлар мутлақ партияларнинг рўйхатлари бўйича сайланади. Парламент аъзоларининг сони 131 тадан 101 тагача қисқаради.

Ҳукумат ижроия ҳокимиятининг олий органи сифатида белгиланган. Лойиҳада кўрсатилганидек, у «ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади».

Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни Референдум бўйича марказий комиссия, 41 та округ ва 1997 та участка комиссиялари амалга оширди.

Овоз бериш соат 8:00 дан 20:00 га қадар амалга оширилди. Референдумда мамлакатнинг сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларининг 50,74 фоизи иштирок этди. Конституциявий ислоҳот лойиҳаси учун 825 минг 521 киши ёки овоз берувчиларнинг 63,37% овоз берди.

\* \* \*

Қозоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва МДХ Ижроия қўмитаси таклифига биноан 2016 йил 17–21 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов, Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Н. Нурматов – МДХ кузатувчилари миссияси таркибида ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты О. Джумаев – ШХТ кузатувчилари миссияси таркибида Қозоғистон Республикаси парламенти Мажилисига навбатдан ташқари сайловини кузатишда иштирок этди.

Сайлов жараёнини халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан аккредитациядан ўтган 955 нафар кузатувчилар, шунингдек хорижий 29 давлат ОАВ нинг 140 нафар вакиллари кузатиб борди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Марказий сайлов комиссияси раиси Қ. Турғанкулов билан учрашдилар, Республика Матбуот маркази фаолияти билан танишдилар, шунингдек Остана шаҳри, Акмол области қатор районлари, Кокшетау шаҳридаги қарийб 30 та сайлов участкасига ташриф буюрдилар, участка ва округ сайлов комиссиялари фаолияти билан танишиб, 20 март куни овоз бериш жараёнини кузатдилар.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ парламент қуйи палатаси 107 нафар депутатдан иборат. Мажилиснинг 98 нафар депутати сайловчилар томонидан партия рўйхатлари асосида, 9 нафар депутати эса Қозоғистон халқи Ассамблеяси томонидан 5 йиллик муддатга сайланди.

Сайловда расман рўйхатдан ўтган 7 та сиёсий партиядан 6 таси иштирок этди. 98 та депутатлик ўринга 234 нафар депутатликка номзодлар кўрсатилди: «Нур Отан» партиясидан – 127, «Ак жол» демократик партиясидан – 35, «Ауыл» Халқ демократик ватанпарвар партиясидан – 19, Қозоғистон Коммунистик халқ партиясидан – 22, Умуммиллий социал-демократик партиясидан – 23, «Бирлик» партиясидан – 8. «Азат» партияси сайловда иштирок этмади.

Сиёсий партиялар сайловолди йиғилишлар, сайловчилар билан учрашувлар, митинглар ўтказиш йўли билан оммавий ахборот воситалари, босма ва ташвиқот материаллари тарқатиш, веб-сайтлардан фойдаланиш орқали ташвиқот юритдилар.

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотларига кўра, республика бўйича сайловчилар рўйхатига 9810852 фуқаро киритилган бўлиб, уларнинг 7566150 нафари ёки 77,12 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Сайлов натижаларига асосан овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг етти ва ундан ортиқ фоизини олган сиёсий партиялар Қозоғистон Республикаси парламенти Мажилисига ўтди: «Нур Отан» партияси – 6183757 (82,2%); Қозоғистон коммунистик халқ партияси – 537123 (7,14%); Қозоғистон «Ақ жол» демократик партияси – 540406 (7,18%).

21 март куни Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Қозоғистон Республикаси парламенти Мажилисига 9 нафар депутати сайлови бўйича навбатдан ташқари XXIII сессияси ҳам бўлиб ўтди.